



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 13-mart №11 (4306)

НАВРЎЗ ЯЌИН, кўчангизни супурдингизми?

Уйғониш фасли баҳорнинг кўнгилларга ажиб бир кўтаринкилик бахш этувчи саррин шабадалари эса бошлади. Хонанданинг «Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор, ҳар баҳор ҳам шундай ўтади», дея қуйлаган қўшиғини қанча эшитсак-да, ҳеч қачон меъдамизга тегмайди.

Қайта-қайта эшитгимиз, куй оҳангига монанд гуллаган дарахтларни қайта-қайта кўз олдимизга келтиргимиз келаверади. Наврўз ҳам боқий кўшиқлар каби абдий. Шунинг учун уни интиқлик билан кутамиз. Яшарлиқ, янгилаш фасли Наврўз, аввало, атроф-муҳитга гўзаллик билан бирга саранжом-сарихталликни бошлаб келади.

мухитни озода-сарихта қилиш орқали баҳор тароватини янада кўз-кўзлайди. Зеро, ҳар йили Наврўз олдидадан умумхалқ хайрия хашари кунни белгиланиши ҳам бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 мартдаги фармойишига биноан, жорий йилнинг март-апрел ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари, ҳамда 14-15 март — умумхалқ хайрия хашари кунни, деб эълон қилинди. Зеро, халқимизнинг энг яхши анъаналари, қадриятларимиздан бири хашар ҳисобланади. Наврўз олди юртимизда уюштириладиган хашарлар одамлар орасидаги уюшқоқликни, меҳнатсеварлик ва меҳроқибатни яна бир қарра

Тарадуд

зару маҳалларда ариқ-зовурларни тозалаш, дарахтларга шакл бериш каби юмушлар ҳам амалга оширилади. Ўтказиладиган хашарлар туйфайли кўни-қўшилар орасида аҳиллик, меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланади. Ахир ўзаро ҳамкорлик, саранжом-сарихталлик, ободлик бор жойда файзу барака, фаровонлик бор.

сиз, орасталиқдан, тозаликдан кўзингиз яшнаб кетади. Кўп қаватли уйлар яқинидаги чиқинди ташланадиган махсус қутилар оппоқ бўялган девор билан ўралган. Ҳар бир ҳовли атрофига экилган гуллар, шакл бериб оқланган дарахтлар эса кишининг баҳри дилини очади.

ларда истиқомат қиладиган аҳоли ҳам ён-атрофини тоза сақлашга ҳаракат қилади. Аҳоли орасида тез-тез ободонлаштириш ишлари бўйича ташвиқот ишларини олиб борамиз. «Саранжом-сарихталлик хондон», «Атроф-муҳит тозаллигига барча масъул», «Энг обод кўча» каби тadbирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар уюштирамиз. Чиқинди ташланадиган қутиларни назорат қиладиганлар, айниқса, болаларга дуч келган жойга ахлат ташламасликни ўқитиб туришди. Ёшлар ҳам бунга одатланишган. Чунки фарзандимизга ёшлигимдан оддийгина бўлиб кўринган ҳолат — конфет, сақич қоғозларини оёқ остига ташламасликни ўргатсак, келажакда табиатга, экологияга ҳурмат, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тарбияланадилар...

Ўзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан САМАРҚАНД СЕҲРИ

ёхуд рубъи маскунда латиф шаҳар

«Афросиёб» поезди икки соатда Самарқанднинг муҳташам вокзалига етиб келди. Беихтиёр шаҳару қишлоқларимизнинг тараққиёт суръатлари тезроқ поездимиз тез елишига монанд экан, деган фикр кечди хаёлимдан. Дарҳақиқат, «Афросиёб»нинг учқур қушдай, оқ тулпордай саҳти-сумбати, ўлкаимизнинг кўркем қиёфаси, турфа ўзгаршиш ва янгиликларини кўриб ҳавасингиз келади.

Ҳамма нарса қиёсда билинади, деган гап бор. Эллик беш-олтмиш йил муқаддам Самарқанд давлат университети филология факултетига таълим олганман. Эсимда, билимдон, хушсухан домлаимиз, бўлғуси академик Воҳид Абдулло доимо биз талабаларга: «Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобурдек улуг зотларнинг пойқадамлари теккан «рубъи маскун шаҳар»да ўқиётганингиз билан ҳар қанча фахрлансангиз оз» дерди. Доманинг мутафаккирлари

миз рубоийларини ёддан айтиб берганларида юракларимиз ҳақиқат қетар, гурур, ифтихор ҳиссига тўлар эди.

бетартиб қурилган, ёзда чанг, қишда лой, ўйдимчуқур кўчанинг тўла таъмирланаётгани шаҳар ҳуснини янада очиб юборган. Рудакий номи билан аталган кўча аэропорти вокзал билан боғловчи чиройли, серқатнов магистралга айланаркан. Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳрида 47 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилибди. 2015 йилда яна 37 кўпқабл замонавий, бир-бирини такрорламайдиган кўп қаватли уйлarning бунёд этилиши режалаштирилибди. Айниқса, шаҳар топонимикасига алоҳида эътибор берилмоқда. Яъни бир-бирини такрорловчи кўча номлари ўзгартирилиб, номсиз кўчаларга янги номлар кўйилмоқда.

Сайлов — 2015

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ЖИЗЗАҲДА

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси халқаро кузатувчилари Жиззах вилоятида бўлиб, Президент сайловига тайёргарлик жараёнининг бориши билан танишди.



Миссия вакиллари Симуc Франсис Мартин ва Ива Каролина Сухо-нен Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси аъзолари билан учрашди.

Округ сайлов комиссияси раиси А.Сатторов меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ комиссияси фаолияти ва унинг ваколатлари, вилоятда ташкил этилган сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишлари ҳақида сўзлаб берди. Жиззах вилоятида ташкил этилган 463 сайлов участкасининг барчаси сайлов қончилигида белгиланган тартибда зарур жиҳозлар, техник воситалар ҳамда адабиётлар билан таъминланган. Президентликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари ташкил этилаётди. Номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчилар ўртасида ташвиқот олиб бормоқда.

Округ сайлов комиссияси раиси А.Сатторов участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган. Улар жамоатчилик орасида обрў-эътиборга ҳамда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тажрибага эга фуқаролардан иборат. Сайловчилар рўйхати шакллантирилиб, кўринарли жойларга илиб қўйилган. Сайлов участкаларидаги она ва бола, тиббиёт хоналари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Кузатувчилар сайловолди ташвиқотининг бориши, Президентликка номзодлар учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича яратилган шароит ва имкониятлар, Жиззах шаҳридаги 23- ва Фаллаворол туманидаги 394-сайлов участкаларида сайловга қўрилатган тайёргарлик жараёнлари билан ҳам танишди.

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА муҳбири



Бўғларнингдан айланай!

ҒУРУР НАШИДАСИ

Ифтихор сурурин оташдан ўқиб, Олий муҳаббатга ришта бойладим. Юртим офтобни кўксимга тақиб Унга яқинликдан фахр айладим.

Фахр этдим қор-ёмғир, чақмоғидан ҳам, Улар тенгсиз неъмат туолаверди. Ҳаттоки йўлларнинг сўқмоғидан ҳам Фахр нашидаси қуолаверди.

Табиат юртимни йил бўйи сийлаб, Сууюкли айлаган фаслларини. Ҳар фасл халқимни фаровон айлаб, Бахш этар неъматнинг аслларини.

Хотирамдан ҳар вақт сачраб туради, Ифтихор мулкидан шарор нуқралар. Хаёлим кўкида учиб юради Оқ лайлақлар каби оппоқ тухфалар.

Сотим АВАЗ

“БИР БОР ЭДИ, БИР ЙЎҚ ЭДИ”

Шарқ мумтоз адабиётида маъшуканинг қадди-қомати, айрим вужуд аъзоларини гўзаллик тимсоли сифатида таърифлаш анъанаси кучли бўлган. Жумладан, белининг ўта ингичкалиги ва оғзининг ниҳоятда кичиклигини таърифлашда шоирлар ўзаро мусобақалашган. Ким ошириб таърифласа ўша ижодкор улуғланган, мақталган. Шу боисдан ҳам белининг бе-ниҳоя ингичкалиги, оғзининг кичиклиги таърифланган байтлар мумтоз шоирларимиз ижодида кўп учрайди. Ҳазрат Алишер Навоий ижодиётида бундай таъриф-тавсифларнинг юксак санъаткорлик билан битилганига гувоҳ бўламиз.

Дарвоқе, Навоий шеърлятида ўзбек халқ оғзаки ижодига хос иборалар билан боғлиқ байтлар ҳам жуда кўп учрайди. Буюқ шоир поэзиясининг бу жиҳати қадимги ўзбек фольклори ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Бунда биз нозикбин шоир халқ оғзаки ижодига жиддий муносабатда бўлганлигини кузатамиз.

Куйидаги фард жанрига оид байтни ҳам фикримизнинг далили сифатида келтирсак ўринли бўлар:

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае, Бошладим филҳолким: “Бир бор эди, бир йўқ эди”.

Бу байт бир неча муҳим жиҳатлари билан алоҳида диққат-эътиборни тақозо этади. Аввало, шуни таъкидлашимиз жо-

Навоийни ўрганиш

изки, ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг кенг тарқалган жанрларидан бири эртақ ҳисобланади. Эртақларга махсус муқаддима-бошланмалар хослиги барчага маълум. Шундай бошланмалардан бири улуг шоиримизнинг юқорида келтирилган байтида ҳам қўлланган.

Навоий юқоридаги байтда мавжуд анъанани муваффақиятли давом эттирган, шу билан бирга ўзига хос бадиий кашфиёт ҳам қилган. Яъни байтда маъшуканинг бели ва оғзидан фасона — ҳикоят қил дедилар, мен эса беихтиёр: “Бир бор эди, бир йўқ эди, дея сўз бошладим, дейди шоир.

Байтдаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, улуг шоир даврида ҳам эртақлар худди ҳозиргидек “Бир бор экан, бир йўқ экан”, деб бошланган экан. Қолаверса, маъшуканинг бениҳоя гўзаллигини таърифлаганда шоир ҳайратининг улугворлигини қутилмаган, гоятда муносиб сифатлаш воситасида баён этади. Бу муболага юксак маҳоратдан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, улуг бобомиз маъшук таърифидаги биргина байтнинг ўзида бир неча бадиий санъатлардан, оҳорли иборалардан фойдаланиб гўзал маъноларни ифода қилганига яна бир бор гувоҳи бўламиз.

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент

Бошланиши биринчи саҳифада.

Зеро, қадимий ва навқирон шахримизни томоша қилиш мақсадида сайёҳлар оқими кўпайгани дарҳол сезилди. Хўжа Дониёр зиёратгоҳида бир қанча хорижлик сайёҳларни кўриб бунга ишонч ҳосил қилдим. Истеъдодли шоир, публицист Нодир Жонузоқнинг "Бағрикенгликнинг гўзал тимсоли" номли аjoyиб мақоласидан олган таассуротимни таниқли археолог Собир Райимкулов янада тўлдирди. У билан афсонавий Афросиёб харобаларини, Археология музейини томоша қилдик. Археология институти директори Амриддин Бердимуродовни Франциянинг "Пальма" орденига муносиб кўрилгани билан табриқладик. Чет тиллар институти француз тили ўқитувчиси Дифуза Атоуллова ҳам шу мукофотга сазовор бўлган экан.

гилам сотсанг кўшинга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан, дейишди-ку. Қолаверса, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистонга ҳам экспорт қилинаётир," — деди гиламларнинг номини битта-битта айтганча.

"Карвон", "Райхон", "Шердор", "Афросиёб", "Империл", "Регистон" номли гиламлар рангдорлиги, ёрқинлиги, классик услуб ва шарқ миниатюра санъатини эслатиши билан харидорғир. Гиламларнинг турфа гуллари, бетакрор гўзаллигига маҳлиё бўлиб, бу антиқа гулларни кимлар чизган деб сўраганимда бизни йигирмадан ортқ дизайнер ишлаётган хонага бошлаб боришди. Ёш-ёш йигит-қизлар компьютер қаршида ўтириб монитorda гиламбоп гул чизиш, ўзгартириш, янгисини, муносибни топиш билан банд. Дизайнерлардан Фарангиз, Жамшид исмли ёшларимиз хориж-

нинг 247 етакчи компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2012 йили фабрика янги қорхона очди. 150 нафар қиз пахтадан кийим-кечаклар, чой-шаблар, ишда, дам олишда, спорт ўйинларида кийиладиган уст-бошлар хуллас 100 дан ортқ маҳсулот тайёрларкан. Иккинчи қаватга чиқиб кенг, ёруғ хоналарда спорт анжумлари тикаётган қизларнинг иш жараёнини кузатдик. Хар бирининг олдида турли хилдаги япон тикув машиналари бўлиб, бири енги, бири ёқаси, бошқаси хошияси, яна бири пайпоғини тикиш, баъзилари нақш бериш, белги қўйиш билан банд. Қорхона раҳбари Рустам Қаршибоевнинг айтишича, бу буюмлар хорижга жўнатилади экан.

Асл ва кўчма маъноларда айтадиган бўлсак, калавамиз учи олис-олисларга бориб етгуси, пахтамиз толаси ўлкамиз довуғини намойиш этгуси. Бу — нотайин ман-

САМАРҚАНД СЕҲРИ

ёхуд рубъи маскунда латиф шаҳар

Самарқандда қатор автомобил заводлари, бир қанча қўшма қорхоналар фаолият олиб бораётганидан юртдошларимиз яхши хабардор. Биз "Сам Антеп Гилам" қўшма қорхонаси фаолияти билан яқиндан танишишни ихтиёр этдик. Гилам қадимдан ўзбек хонадонининг файзи, бойлиги, фаровонлик рамзи бўлиб келган. Гилам катта меҳнат, нозик дид, кунт-маҳорат талаб қиладиган хунармандлик иши, баҳоси ҳам шунга яраша баланд. Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм ва бошқа вилоятларда ибтидоий дастгоҳлардан фойдаланиб, асосан, қўлда гилам, кигиз, жулқурлан тўқилади, қизлар ўзларининг сепи учун кўп вақт, меҳнат сарфлаб гилам тўқишади. Эрон, туркман гиламлари довуғи узок-узокларга кетган. Яқин-яқингача Бельгия гиламига эга бўлган хонадонга ҳавас қилардик. Эндликда Самарқанд гиламдўзлик мактаби ҳам йўлга қўйилди.

даги кўрғазмаларда қатнашиб, тажриба алмашиб қайтишибди. Булунғурда қорхонанинг сунъий чим ишлаб чиқарадиган филиали ишга тушибди, харидорлар кўп экан. Тўғри-да, чанг-тупроқли, ўйдим-чўқур жойда тўп тепиш қайда-ю, бундай сунъий қопламали майдонда футбол ўйнаш, маҳоратни ошириш қайда!

КАЛАВАНИНГ УЧИ

Болалигимизда момоларимизнинг бир машғулоти кўп қузатганимиз: қиш бўлса уйда, ёз фаслида эса оқиб саҳнда бир парча жойга пахта толасини ёйиб, кўрпачамни, пўстақ устигами ўтириб икки қўлда чивик, хўп савалашарди. Биз болаларга эса чап қўлда урчўки баланд кўтариб, ўнг қўли билан гир айлантганча ип йигираётган момоларимизнинг ишини кузатиш завқли эди. Биз, болалар, бувиларимизга толдан узун, пишқик чивиклар кесиб, йўқотиб қўйган калавини учини топиб берардик. Шу иплардан тўқилган бўз қўйлакни кийиш роҳатбахш эди: аъзойи баданинг яйрайди, ишлаганинг, чопганинг билан терлаганинг билинмайди. Самарқанддаги "ДАКА-ТЕХ" мажмуасининг кенг ва ёруғ хоналарида минглаб урчўқлар бир маромда айлана калава ип йигирмоқда. Швейцариянинг Rieter, Италиянинг Uster Quantum-2, Tester-5 машиналари ёрдамида калаваларнинг

зилга элтўвчи афсонавий "ариадна ипи" эмас, аниқ манзилга элтўвчи, чин, ҳақиқий ўзбек ипи.

СЎЗ МЕҲРИ, СЎЗ ШАҲРИ

Сафаримиз Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур боболаримизнинг таваллуд кунлари ўзгача руҳ, тантана билан нишонланаётган, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг 100 йиллиги олдида ўқув ва санъат муассасаларида мароқли тадбирлар файз, шўқуқ билан давом этаётган кунларга тўғри келди. Ахир бу заминда буюк боболаримиз маълум муддат ашаб ижод қилишган. Утган асар йигирманчи йилларида Бехбудий, Садриддин Айний, Фитрат, Сайидризо Ализода ва бошқа мутафаккирлар, ўтгизинчи йилларда Хамид Олимжон, Ўйғун, Миртемир, Усмон Носир, Асқад Мухтор сингари улуғларимиз қизгин ижодий фаолиятини бошлашган. Урушдан кейинги йилларда эса Воҳид Абдулло бошчилигида шоир, адиб, олимлар қалам тебратилган. Мустақилликдан кейин илм, ижод аҳли "Зарафшон" ва бошқа газеталар атрофида уюшиб фаолият олиб боришляпти. Кейинги йилларда самарқандлик ижодкорларнинг шеърий, бадий, публицистик асарларидан саралаб олинган "Биз "Зарафшон" дамимиз", "Юртни севмоқ саодати" номли тўпламлар, Нусрат Раҳмат, Фармон Тошев, Хосият Бомуродова, Ориф Ҳожи, Олқор Дамин, Жамол Сироҳиддин, Нормурод Каримов, Исмаилов Илҳом, Юлдашев, Адҳам Хайитов, Зиёдулла Нурматов, Жумагул Сувонова, Сайдулла Мирзаев, Хотам Умуров, Дилором Салохий, Муслиҳиддин Мухиддинов ва уларга ҳаммаси ижодкорларнинг янги китоблари нашр этилди. Газета-журналларда таниқли ва бошловчи ижодкорлар асарларидан намуналар мунтазам бериб боришмоқда. Сафаримиз чоғида Хуршид Нуруллаевнинг "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир", "Хаммаси асабдан", меҳнат фахрийси Абдишукур Мухаммадқулловнинг "Умр ҳикматлари", зуллисонаий ижодкорларнинг "Гулӯбод тонги" тўплами нашрдан чиққани, айримларининг тақдироти ўтказилганига гувоҳ бўлдик. Асарлар, китоблар қўлига яхши, албатта. Лекин гап сонда эмас, сифатда. Ўқувчилар юқори бадий савияда ёзилиб воқеа бўладиган, адабиётнинг олтин хазинасидан жой оладиган асарлар кутади. Бундай асарлар эса зўр меҳнат, инсоний жасорат, юксак бадий маҳорат тўқилганига юзага келади.

Қадим шаҳар зиёратидан пойтахтга қайтар эканман, самарқандлик адиб ва олим дўстларим бу эҳтиёжни чўқур англаб ижодий изланишларини давом эттираётганларидан мамнун бўлдим.

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мурабийси

Фаолиятини 2000 йилда бошлаган "Сам Антеп Гилам" қўшма қорхонаси гилам, гилам тўқиш учун ишлатиладиган маҳсулотлар, яъни полипропилен иплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, республикада энг йирик, Ўрта Осиёда пешқадам, замонавий, инновацион қорхоналардан бирига айланди. Бу маҳабатли қорхонада ўзимизнинг чаққон ва зийрак ёшларимиз меҳнат қилишар экан. Камол Абдуллаев фаолиятини оддий ишчилардан бошлаб қорхона директори даражасига кўтарилган. Айни пайтда у хориждаги турдош қорхоналар билан танишиб, шартномалар тузиб юрган экан. Иш жараёни билан бизни маркетинг бўлими бошлиғи Бехзодбек таништирди. Асосий маҳсулот канопо (жути) Бангладешдан, полипропилен Эрон, Саудия Арабистондан, елим Туркия, Бельгиядан келтирилган экан. "Гилам асоси полицир (полиэстра) Қорақалпоғистонда, Уст-Ўртада чиқадиган бўляпти, йилига 100 минг тонна маҳсулот тайёрланса, четга кетадиган валюта ўзимизда қолади, таннарх арзонлашади," — дейди Бехзодбек.

Канопо (жути)ни илга айланттириш, тўқиш, елимлаш, гул босиш, шакл бериш, тайёр ҳолга келтириш — барча жараёнлар мурракаб техника, технологияларда бажарилади. Замонавий станоклар Бельгия, Германиядан келтирилган. 50x80 сантиметрли кичик, 5x10 метрли катта, 15 хилдан ортқ рангдор гиламларни кўриб кўзингиз қувонади. Насиба Холбердиева, Баҳора Шоймоноваларни станокда гилам четларига магиз-хошия тикишаётган, Бозорбой Иброҳимовни ўралган гиламларнинг бир чегга антиқа мўъжаз автомат билан муҳр босаётган пайтини хайрат билан кузатдик. Юк вагонини эслатадиган ҳайбатли машиналар тайёр маҳсулотни ортиб, дарвозалардан гулдириб чиқиб, манзилга йўл олаётир. Бехзодбек: "Маҳсулотларимиз юртимизнинг барча жойларида харидорғир. Ахир

тайёрланишини кузатта туриб момоларимизнинг не-не машаққат билан ип йигирганини ҳис қилдик. Турфа станок ва технологик аппаратларни йигит-қизлар томонидан чағдастлик билан бошқарилаётганини кўриб лол қолдик.

"ДАКА-ТЕХ" қорхонаси 2008 йилда иш бошлаган. Бош директори Эҳод Сулаймоновнинг айтишича, бир кунда 11 тонна пахта толаси қайта ишланаб, 9 тоннага яқин трикотаж тайёрланаётган экан. 85 фоиз қалава Хитой, Россия ва бошқа юртларга экспорт қилинаётгани, барча жараёнлар Италиянинг энг замонавий Pilotelli машиналарида бажарилиши, бу машиналар самарали ишлаши баробарида энг юқори навли пахта толасидан ип чиқаришини билиб олдим. "ДАКА-ТЕХ" хориж қорхонасига чет эл инвестицияси жалб этилган. Вилоятда ду-

"КАТТА ХОНАДОН"

Оила мавзуси адабиётнинг доимий мавзуларидан бири. Зеро, оилада замон руҳи, ижтимоий, иқтисодий, фалсафий муаммолар кишиларнинг ахлоқи, руҳияти, маънавияти билан боғлиқликда намойён бўлади. Муайян бир хонадон ҳаёти, турмуш тарзи тасвири орқали ёзувчи ўша оила аъзолари тақдирини, феъл-атвори, руҳий олами гавдалантиради.

Бир неча қиссалари ва "Мувоозанат" номли романи билан китобхонлар эътиборини қозонган таниқли адиб Муҳаммад Саломнинг "Катта хонадон: изтироб ва севинчлар" номли икки жилдли романи "Тафаккур нашриёти"да чоп этилди. Тўрт қисмдан иборат бу асарда ўзбек оиласининг қувонч ва ташвишлари маҳорат билан тасвирланган. Адиб қаламга олган хонадонда барча бирдек жонқуяр. Айниқса, романда ўзбек оиласига хос фазилат — ота-онаниг иззат-ҳурмат кўрсатишдек улўғ қадрият таъсирчан талқин этилган.


Ун бир нафар фарзандни ҳалол меҳнати билан воёга етказган ота-онанинг бағрикенглиги, руҳий олами, дунёқарашда халқимизга хос инсонпарварлик фалсафасининг бадий талқинига гувоҳ бўламиз. Таъкидлаш жоизки, миллатимизга хос меҳр-оқибат туй-

гуларини кўрсатиб бериш асардан муаллифнинг кўзда тутган бош мақсадидир.

Дарҳақиқат, китобдаги сўзбошида адабиётшунослар Маҳкам Маҳмуд ва Адҳамбек Алимбеков ёзганидек, "Романда бошлангич — кичик прологда асардан кузатилган ижодий мақсад — ҳаётнинг боқийлиги, гуллаб яшаш, емирилиш, бу табиат қонуни жамиятда ҳам амал қилиши осмонни қора булутлар қоплаб, чақмоқ чақиб, шаррос жала қуйса ҳам, албатта, қуёш чиқиб, бу ёмғир заминни гуллаб-яшнатиши бадий ифода этилади. Бу манзарада ҳаёт фалсафаси бор".

Ёзувчининг "Амал ҳавоси" номли романида ўтган аср поёнида, мустабид шўро ҳукмронлиги даврида юртимизда собиқ марказ таъйиқи остида рўй берган ноҳақликлар тасвирига олинган. Асарнинг тўлдирилган маъкур иккинчи нашрига кириш сўзида муаллиф бу романи "таржимаи ҳоли"ни батафсил изоҳлаб, жумладан шундай ёзади: "Айтиш жоизки, асар айнан бўлиб ўтган воқеаларга асосланмаган: бадий тўқимига кенг ўрин берилган, турли тоифадаги кишилар қиёфаси ҳаракатлари умумлаштириб олинган. Бош муддао — Одам... Шу маънода қаҳрамонга ўз қарашларини, бойлик ва севги бобида ўзини тия билиш фазилатларини сингдиришга ҳаракат қилганман".

Маъкур нашрларга Ў.Носиров муҳаррирлик қилган.



Янги нашрлар

НАВРЎЗ ЯҚИН, КЎЧАНГИЗНИ СУПУРДИНГИЗМИ?

Бошланиши биринчи саҳифада.

Яна ҳеч қачон ахлат, кул тўқилган жойни оёқ билан босманглар, сувга туфламанглар, деб ўқитардилар. Ана шундай ҳашар кунлари кекса онахонларимизнинг, нуруний оталаримизнинг ўғитлари, панд-насихатлари ҳам фойдадан ҳоли эмас.

— Хар қандай байрамга, тўйга тайёргарлик, аввало, атроф-муҳит тозаллигига эътибор беришдан бошланади, — дейди хиззахлик отахон Шукриддин Аҳмедов. — Чўки уйингизга келган одам дастлаб сизнинг ҳашаматли иморатингизга эмас, кўчангизнинг тозаллигига, оstonангизнинг, уйингизнинг саранжом-саривалигига қарайди. Бир воқеани эшитганим ёки ўқиганим бор. Ўша воқеа анча пайтгача хаёлимдан кетмаган: Бир эл орасида ном қозонган ҳамюртимизникида хорижлик киши меҳмон бўлади. Ва эрта-лаб келинларнинг, қизларнинг ҳовли супураётганини кўриб ажабланади. Мезбоннинг: "Бизда кўча супуриш одатий ҳол", деган гапини эшитиб хорижлик меҳмон баттар ажабланади ва кўчани супуриш одатга айланиши мумкинлигини ҳеч ақлига сиғдирилмайди. Чўки уларда кўчани ўтаётган одам қорда сирпаниб майиб бўлмаслиги ва агар бирор шикаст етганда тақдирда хонадон эгаси унга катта жарима тўламаслиги, учунгина тозаллаб қўйилар экан. Бундан келиб чиқадикки, саранжом-сариваликка интилиш, ҳашар баҳона барча шаҳару қишлоқларни обод қилиш то маънода бизнинг қадриятларимиздан ҳисобланади. Бу қадриятлар замирида эса аҳоли ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, берағар ёрдам ва муруватли бўлиш каби эзгу фа-

зилатларни юксалтириш тасмийллари мужассам...

Кечқурун ишдан қайтишда яна ўша ҳолатнинг гувоҳи бўлганман — ота ёки бобо бошчилигида ўғилу неваралар ариқларни тозалашган, даракларга шакл берган, ёш қизалоқлар ва келин-чақлар эса ҳовли, кўчаларни супурган. Онани билан боғчадан келаётган қизалоққа ҳамроҳ бўлдим. У қўлидаги ширинлик-

Мана Наврўз айёмига санокли кунлар қолди. Табиат уйғонмоқда. Новдалар гулга бурканмоқда. Бу айёмда табиат уйғонганидек, хар бир инсон қалбиде яратиш, яшнатиш, савоҳат каби эзгу ниятлар, пок тилақлар уйғонади. Наврўз шўқуҳи кезиб юрган шундай улўғ кунларда айнага айланган хайрия тадбири ёшу қарини ҳашарни уюшқоқлик, ҳам-



дан бўшаган қоғоз қутини ташламади. Онани бир икки марта «Кўлингизда қоғозни чеккароққа ташла», деди. Қизча шунда: «Йўқ, бизга боғча олам хар куни «Экология» дарсида атроф-муҳитни қандай тутишимиз кераклигини ва одобли болаларни писта пўчоғини, конфет қозонини, албатта, ахлат қутисига ташлайди, деб ўргатадилар», деди. Сал ўтмай олдиндан чиққан ахлат қутисига юғуриб бориб қўлидаги қоғозни ташлаб келди. Мен ана шундай қизалоқларнинг орамизда жуда кўплигиндан хурсанд бўлдим. Чўки улар келажакда нафақат ўзларининг эзгу ишлари билан ўрнак бўладилар, балки бошқаларни ҳам хайрли ишлар қилишга даъват этадилар.

жиҳатлик билан ўтказишга қорлайверади. Наврўз яқин... Кўнгиллари яратиш ва яшнатиш иши билан тўлдирган баҳорни, янгилашни айёми Наврўзи оламни муносиб қутиб олиш учун шу бугундан, айни шу дақиқалардан ҳаракат қилмоғимиз, ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Наврўз яқин... Кўчангизни, ҳовлингизни супурдингизми?! Наврўз яқин... Маҳаллангизга, боғингизга бир донга бўлса ҳам кўчат эқдингизми? Ахир ўзининг бутун гўзаллигини, жозибасини кўз-кўз қилиб баҳор келди. Зеро, баҳор каби эл-юрт ободлиги ҳам, энг аввало, кўнгиллاردан бошланади.

Барно СУЛТОНОВА

САРИОСИЁДА «ЁШЛАР БОҒИ»

Бугунги кунда бор мафтункорлиғи хусни таровати-ла кўзни қувнатаётган Хурватан қишлоғига ёнма-ён қад ростлаган «Ёшлар боғи» кексаю ёшнинг севимли масканига айланаб улгурган. Боққа ўрнатилган йигирма беш турдаги аттрикционларда қийқириб учаётган болажонларни кўриб, юртимизнинг тинчлиги, осмонини беғуборлигига яна бир бор шўқроналар айтасиз. Олти гектарлик маъкур боғ Олмаиқ кон-тоғ металлургия комбинати томонидан махсус лойиҳа асосида жуда қисқа муддатда қурилиб фойдаланишга топширилди. Бир пайтнинг ўзида 500 нафар фарзандларимиз кўнгили дам олиши учун бир оромгоҳда барча шарт-шароитлар яратилган.

Ёшлар боғи маъмурияти болажонларнинг спорт билан ошно бўлиши учун ҳам бирмунча хайрли ишларни амалга оширди. Хусусан, мини футбол майдончаси, стол теннис, шахмат-шаҳка, волейбол, баскетбол каби спорт турлари билан бу ерда мунтазам шуғулланиши мумкин.

Боғда бундан ташқари тез-тез хар хил тадбирлар ўтказилади. «Китоблар кўрғазмаси», «Болалар келажакимиз», «Ватаним, сенга жон

фидо», «Ватан ҳақида қўшиқ» каби болалар фестиваллари шундай маънавий-маърифий тадбирлардандир.

Болалар қалбиде она-табиатга муҳаббат, наботот ва хайвонот дунёсига меҳр билан қарашни ўргатиш мақсадида «Қушлар бурчаги» ташкил қилинган. Хар ойда ўтказиладиган «Гуллар байрами» эса болажонларга бир олам завқу шавқ улашмоқда.

Муборак бўлсин!

Боғ маъмурияти шу кунгача тумандаги тўртта мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига бепул хизмат кўрсатди.

— Юртимиз кундан кунга фарзандларимизга кўрқ бераётган иншоотлар, намунали уйлар йилдан йилга кўпаймоқда, — дейди Ёшлар боғи директори Ш. Жўраев. — Ана шу ободликка ярашиб турган яна бир гўзаллик — бу хар бир гўшада бунёд этилаётган музикавий фавворалардир. Шундай турфа рангда товланиб, рақс ташдиган фаввораларни биз ҳам барпо этишга аҳд қилганмиз. Яқинда қурилиш бошлаб юборилди.

мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига бепул хизмат кўрсатди.

— Юртимиз кундан кунга фарзандларимизга кўрқ бераётган иншоотлар, намунали уйлар йилдан йилга кўпаймоқда, — дейди Ёшлар боғи директори Ш. Жўраев. — Ана шу ободликка ярашиб турган яна бир гўзаллик — бу хар бир гўшада бунёд этилаётган музикавий фавворалардир. Шундай турфа рангда товланиб, рақс ташдиган фаввораларни биз ҳам барпо этишга аҳд қилганмиз. Яқинда қурилиш бошлаб юборилди.

Камолитдин МИНГБОЕВ

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимларида

СУРХОНДАРЁ вилояти ахборот-ресурс марказида атоқли шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллиги ва Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан маданий тадбир бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари М.Олломурадов, Термиз давлат университетиде доцент М.Ҳамроева, шоирлар Ҳайдар Тўраев ва Қўшон Абдулла сўзга чиқиб, табрикларини изхор этишди. Қумқўрғондаги агросаноат коллежида эса «Баҳорга бурканган Ўзбекистон» мавзусида адабий суҳбат ва мушоира ўтказилди.

НАВОЙ. «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган Зулфияхоним қизлари мушоирасида адабиёт, фан, таълим, маданият ва спорт йўналишларида турли йилларда Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган 27 нафар навоийлик қизлар ўзларининг ҳаёт йўллари ҳамда эришган ютуқлари ҳақида

сўзлаб беришди. Ижодкор қизларнинг Ватан мадҳига бағишланган мушоираси куй ва қўшиқларга уланди. Бундай тадбирлар вилоят ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини, халқ таълими бошқармаси ахборот-ресурс марказида ҳам бўлиб ўтди. Кармандаги Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси фаоллар залида Бақо Саидов, Музаффар Жаҳон, Одил Хотамов, Шойим Шерназар, Баҳриддин Садридинов ҳамда Маруза Ҳосилова, Хилола Исматовалар янги ёзган шеърларидан ўқиб берди.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида баҳор байрамига бағишланган тантана ўтказилди. ФАРҒОНА. «Ўзлгинг намоден қил» танловиде Шарқий округ харбий хизматчиларининг 17 нафар фарзанди ўзаро куч синашди. Улар хотин-қизлар ва устоз шоира Зулфия ижодиға

мансуб шеър-қўшиқларни ижро этилди. Танловда голиб топилган ўқувчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ёш ижодкорлар Зебо Худойбердиева, Моҳинур Сиддиқова ва Нозима Ҳабибуллаевалар ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ўтказилган ижодий учрашувда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Энаҳон Сиддиқова, шоира Зўҳра Алиевалар сўзга чиқиди. Бағдод ва Фарғона туманидаги 39-мактабда, Риштон туманидаги Маданият уйида, Риштон иқтисодиёт ва педагогика коллежида, Фарғона тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида ҳам «Ораста қизлар» кечалари ва маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Ахборот хизмати

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

УЛУФ НИЯТЛАРГА ИМКОНСАН, ВАТАН!

ИФТИХОР

Ҳар жон асли жондан бунёд бўлғайди, Насибамиз нондан бунёд бўлғайди, Қадр эса қондан бунёд бўлғайди, Қадру қарогимнинг гавҳари Ватан, Субҳи ибодатим аввали Ватан.

Нигоҳим нидосин гуллари уққай, Соғинчим садосин еллари уққай, Майса не, тошларин тиллари уққай, Илк сўзим, илк шеърим, тилмочим Ватан, Илк нурим, илк дурим, гултожим Ватан.

У — отам, дуоси олтиндан аъло, У — онам, дарёдил меҳра маъно, У — болам, хурликда чехраси зиё, Жонимга чирмашган бир жондир Ватан, Севиншга ўргатган имондир Ватан.

Фасллари гўзал бири биридан, Яшиллик аримас яйлов, қиридан, Олам ороларан унинг нуридан, Калимаи қадр — каломим Ватан, Тинчлик тилагида — саломим Ватан.

Куёш қатрасида куннинг қадри бор, Ойнинг оромиди туннинг қадри бор, Шукур, бошимизда миллат марди бор, Улуф ниятларга имконсан Ватан, Кўксимни тоғ этган осмонсан Ватан.

ТУРНАЛАРНИ СОҒИНДИМ

Етти кўннинг дилдори, Яшилликнинг тумори, Айтсин, кўзимнинг зори, Турналарни соғиндим.

Мен баҳорга беморман, Кўзим кўкда — белорман, Хуморман-ей, хуморман, Турналарни соғиндим.

Осмондаги оқ тилак, Дил учун дилдор керак, Кўрсам жимирлар юрак, Турналарни соғиндим.

Эй, сиз дўст-ёр, ошналар, Борни мендек ташналар, Кўрсам дийдам ёшларан, Турналарни соғиндим.

Сафингизда сафо бор, Сизда оппоқ вафо бор, Осмон тўла наво бор, Турналарни соғиндим.

Кўкдаги кўзгунчоқлар, Жонимдаги чироқлар, Маҳмуд сизни сўроқлар, Турналарни соғиндим.



КўНГИЛ СўРАНГ

Қор ёғса ҳам бошингизга, Қалбингизни гулга ўранг. Ёш кўшилин ёшингизга, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

Бу дунёда куйганлар кўп, Кўзда ёшин тияр аранг. Кўзингизга тушмасин чўп, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

Она турар остонада, Кўзлари тўрт, боши гаранг. Топилса минг бахонада, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

Садоқатнинг сарвари ким, Юзга тепар дилдаги ранг, Сабр султон, жим туриб, жим, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

Меҳр жуда арзон матоҳ, Кимга юқмас тупроқдан чанг. Майли сиз оқ, дўста гуноҳ, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

Бир шоирга берса шараф, Чапдан эмас, ўнган қаранг. Сиз кўёшга, ойга қараб, Кўнгили учун кўнгили сўранг.

МУҲАББАТДАН БОШҚАСИ ЁЛҒОН

Бу дунё ҳам асли ёронлар, Ёлғонлару ҳасратдан толгон. Бир сўз айтар дарди бор жонлар, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

Билурмисиз, гуллар ранглари, Ошиқларнинг юзидан олгон.

Булбул бўзлар, хуш оҳанглари, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

Ёр кўйида беморлик бахти, Бизга Одам Атодан қолгон. Юдузлардан сўранг фиқоқни, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

Ой юзидан аримас доғни, Балки кўёш соғинчи солгон. Юдузлардан сўранг фиқоқни, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

Ҳар кўнгилда битта хитоб бор, Ҳар ким кўйини ўзича қолгон. Айтилган-ку, айтаман тақдор, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

Юз ёшда ҳам соғинган жонлар, Ёр ёдидан мадорлар олгон. Бир сўз учун беринг имконлар, Муҳаббатдан бошқаси ёлгон.

ЎЗЛИК

Мен оловдан яралганман, рост, Томиримда тонглам отади. Мен булбулга кўйганман ихлос, Юрагимга кўёш ботади.

Мен сўзларни сотиб олмайман, Илҳомимдан узилган гуллар. Гар жўр бўлса кўйлаб толмайман, Иним бўлар мени бўлбуллар.

Эй сиз, шоир савдойи деган, Қорни билан кўйлаган каслар. Қултум майнинг гадоий деган, Ҳиссиз, дардсиз, номарл, нокаслар.

Райҳонларнинг баргини силаб, Дилингиздан гул узганмисиз? Бойчечакнинг умрини тилаб, Дуолардан нур тизганмисиз?

Боқий бахтингиз бозори йўқдир, Бу бергувчи, олгувчи дунё. Айтсам, сўзингиз мазори йўқдир, Тилагидан тонгувчи дунё.

Ўтган умр охи тўқилар, Эрта ёзда тўқилган тутда. Ҳақиқат-ку, майли букилар, Адолатнинг эгаси битта.

Миллион сочингиз бир талосини, Борни, ахир, саробдан олган. Маҳмуд, асли дил ноласини, Ватан дебон, тавофдан олган.

Мен оловдан яралганман, рост Томиримда тонглам отади. Мен булбулга кўйганман ихлос, Юрагимга кўёш ботади.

МЕҲМОН ЯЙРАСИН

Ўзбек меҳмон кутса кўксин керади, Ошни дамлаб қўяр, гурч сайрасин. Борин тўкиб солар, жонин беради, Меҳмон яйраса бас, меҳмон яйрасин.

Аёлин тергайди, вазифа бисёр, Ўнга қарасин-да, сўлга қарасин. Дастурхон кўркидан қилсин ифтихор, Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Жиззали, патир нон, гўштлиги ҳам бор, Татъилари тортсалар, жиндек нўшласин. Меҳмондўст ўзбекка ким қилмас ҳавас, Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Паркент узумидан бўлган мусаллас, Татъилари тортсалар, жиндек нўшласин. Меҳмондўст ўзбекка ким қилмас ҳавас, Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Эшикдан кирарда Маъмуржон ҳофиз, Комилжон отадан кўшиқ янграсин. Кўлга сув кўйишни нурутмангиз, Меҳмон яйрасин-да, меҳмон яйрасин.

Кетарда кўксиди турар икки кўл, Тун ёпар, қувончга губор инмасин. Ҳавас қилсанг жўра, ўзбеклардек бўл, Меҳмон яйраса бас, меҳмон яйрасин.

ҚАЛБ КЎЗИ

Дунёда кўзлар кўп, меҳру вафода Оқиллар, орифлар, одиллар кўзи. Қаҳру қабоғини қилар ифода, Қосирлар, қотиллар, жоҳиллар кўзи.

Бир кўз бор, шубҳасиз поклик тимсоли, Юзида нур ёнган болалар кўзи. Қирларни қалқитган қувонч висоли, Болалар кўзи бу — лолалар кўзи.

Оналар кўзининг офтоби ўзга, Оталар кўзида дуо нури бор. Опа-сингил десам, бол қирар сўзга, Бу кўзлар тубида меҳр кўри бор.

Гўзаллар кўзлари бетимсол олам, Боққанда одам не, офтоб энтикар. Улар қулсалар ҳам, йилгалар ҳам, Чашми сиёҳидан фақат нур тўкар.

Вале кўзлар ичра энг соҳир нигоҳ, Одамизот учун — бу қалбнинг кўзи. У — ҳаминша уйғоқ, ҳаминша оғоҳ, Чунки ундан боқар Худонинг ўзи.

ТўРТЛИКЛАР

Бахт саволи, бу абадий саволдир, Кимга дунё, кимга мансаб камолдир. Айтилган гап, тақдор айтсам, товланди, Бахтли улдир — кимнинг оши ҳалолдир.

Олам китобида одам аъмоли, Одам китобида одам камоли. Ўқиб ўққанларнинг дилда офтоб, Ўқиб ўқмаганининг бисёр саволи.

Ҳаёл учаверар бошинг устида, Ўзинг ўлтурурсан унинг остида. Йўқни йўқдирмайсан, ўй сурган билан, Билгайсан, бу олам борнинг дастида.

Тоннинг шукрин қилсанг, тун қулиб келар, Тунда юзинг ёруғ, тонг тиниб келар. Эзулик эшигинг очавер, инсон, Ҳар кунинг гул бўлиб, нур бўлиб келар.

Олтин, олмос билан одам олинар, Вале қалам билан одам олинар. Пўлатта тоб берган темирчига боқ, Ўтдан олинади, сувга солинар.

Набирман — у менинг умрим баҳори, Симсиз жаранглаган дилмининг тори. «Бобожон», деганда балқитиб айтар, Қувончдан қорасар сочининг қори.

Кимнингдир кўнглини олган кун яхши, Кимнингдир кўнглида қолган кун яхши. Эзгу иш ярашар ҳар бир инсонга, Яхшиликлар қилиб, толган кун яхши.

ИККИЛИКЛАР

Ҳар хато оқилни оғоҳ этади, Билмайсан, оғоҳдан гуноҳ кетади.

Инсонсан, жисмингда дилдан нишон бор, Демакки, шу дилда нурдан нишон бор.

Кўзгу билан кўришмадик анча бўлди, Юзларимнинг ажнларим қанча бўлди?

Оламда ошиқ бор, гулга қаралгай, Ният наволидир кўшиқ яралгай.

Бил олам боғида гул мангу турар, Яна ўчоғида кул мангу турар.

Ҳар ниҳол, ҳар майса Ернинг боласи, Қақшатма, қаргайди унинг онаси.

Тонгда эшик очсанг салом билан оч, Тонг каби мунаввар калом билан оч.

М.ТОИРОВ 1952 йили Тошкент вилоятида туғилган. ЎЗМУнинг филология факултетида таҳсил олган. «Биз нечун учирадик», «Муҳаббат шеаси», «Оқиб кетган армонлар», «Огоҳ бўл, дунё!», «Уч дoston», «Мендан мени сўрама», «Шеърлий ҳикматлар», «Янги Тошкентнома», «Бедорларга беринг дунёни», «Ватан не деб сўрланганга» сингари шеърлий тўпламлари чоп этилган.

Меҳмон деганиям қаддидан ошмас яхши экан-да. Келди-кет-дининг меъёрини билса, олдида кўйганинги эса, икки кун, боринг ана, уч кун турган, кўйганинги кўксига кўйиб, «Хўп, бўлмаса, чирогим, энди бизга рухсат, хурмат-иззат учун кўп раҳмат», деса. Бу меҳмонимиз эса, садағаси бўлай, кетиш ҳақида ўйламаётгандай эди, назаримда...

Сурасангиз, меҳмонимиз кўши туманинг чекка бир кишлоғидан, айтишча, отаси бовамиз билан, ўзи эса худораҳмати отамиз билан қадрдон бўлган экан. Эши бир жойга борганда қадрдонларининг зурёдларини соғиниб, сўраб-сўраб, топиб келибди. Ота қадрдонимизни кўчоқ очиб кўтиб олдиқ, пойига меҳримиздан пояндоз солдик. Тўғри, олдинча одамгарчилик юзасидан ўрчарчоқ сўрашдик, ўзини танитиб, ота-бовамиздан гап очгач, меҳримиз ийиб, бағирлашдик-да.

— Отамизни кўриб қолган табаррук одам экансиз, қани, ичкарик марҳамат! Илтифотимиздан боши кўкка етган меҳмон ясастиглик меҳмонхонага кириб, азза-базза тўрга чиқди. Дуои фотиҳадан сўнг худ-ди бешимизни тебратиб катта қилгандай бепасанд сўрашди: — Яхшимисан, уй ичларинг тинчми?

— Раҳмат, тоға, — дедик бироз хайрон бўлиб, сўнг унинг тўпори-рилигига хаёлан кўл силтаб, бизам сўрашдик: — Узингиз қандай, бинойигина юрибсизми? Ўғил-қиз, неварачевара дегандайи? — Худого шукур. «Хўш, деганингиздан билдик, ўзбек экансиз», деган эканлар. Биздан сўрасанг, жонан, олимиз Шопўлат, кишлоқдагилар Шоппи бова дейишди. Ўғил-қиздан тинчганимиз, могой билан энди... Ха, бу ёғини ўзинг яхши билсан. Хўш десак, Шоппи бованг Тошкентда, «нар-хўз-да ўқиган, нақ кўрб беш йил хисобчи бўлган! Отанг худораҳмати ТошМИДа ўқирди ўшанда. Жўра бўлганмиз. Бобондан қолган уйларингиз бир-икки келганман, унда сен ёш бола эдинг, эс-лолмайсан. Отангнинг ўтиб қолганини эшитганман эканман, уч кун бурун бир маърақада эслаб қолдик. Худо раҳмат қилсин, яхши жўрам эди...»

«Жўра бўлганмишлар!.. Шунчалик қадрдон экансан, шу пайтагача қаерда эдинг?» дейишга юз чидайди... Бу орада меҳмон димоғида тиловат бошлади.

Етмишга яқинлашган бўлса-да, ҳали анча тетик кўринадиган, котма гавадали, ўйдим-чўкур юзларида чечак излари билиниб турган, кўзлари қора ҳам, кўнгири ҳам эмас, аллақандай рангага ўхшайдиган бу чол иккита сура-ни наридан-бери юмалоқ-ёстиқ қилгач, юзига фотиҳа тортиди. Бизам кўшилдик, албатта. Кўп ўтмай хотин дастурхон олиб, ичига ноз-неъмат солиб, бўй қизлардай уялиб кирди.

Уша оқшом Шоппи бова билан хўп отамлашдик. Меҳмоннинг кулфи-дили очилди. Лекин, бо-вага қойил қолмай илож йўқ; икки кўшни туман у ёқда турсин, бутун вилоят одамини танир экан! Би-и-р гурунлар бердики, ўх-хў! Гоҳ бовамиздан олади, гоҳ отамиздан.

Эрта тонгда меҳмоннинг турт-килашидан кўз очганимизда кишлоқнинг асосий кўчасида, одат-дагидек, Бозиргон бангининг товуши янграётганди: — Барвакт туринглари! Фағлат босиб ётаверманглар, ойнинг юзига доғ тушади! Бир-бирингизга салом беринг, фаршталар Худого етказадил! Бир-бирингизни яхши кўринг, бўлмаса шайтон сизни яхши кўради! Одам одам билан тирик, тез-тез кўришиб туринглар, бўлмаса кўннинг бағри куйди! Тарозидан урманглар, юлдузлар бошингизга тўқилади! Қани, туринглар, ховли-харамни сунириб-сиди-ринглар, ифлос жойларга жинлар макон куради!

Меҳмонимиз анқайиб, чўмич-дай бурни танқайиб, гоҳ бизга термулди, гоҳ кўчага қулоқ тутди. — Ким бу дангал одам? Жар-чими? — Эътибор берманг, бова. Кишлоқнинг девонаси бу.

То биз ювиниб-тарангунча, ховли-жойга қарангунча меҳмон бангининг изидан жўнаворибди, ноншўтаям сабил қолди. Бозиргоннинг нимаси қўзик, хайронман... Сахти-сумбати номига яраша бўлган Бозиргон кишлоқдаги энг бақувват одам эди (Эломон полвонни ҳисобга олмаганда, албатта).

Аслида бу гаплардан мурод шуки, нимагадир бугун Бозиргоннинг шашти пастрок, овози хастароқдай эди. Ишқилиб, кишлоқ четдаги ариқ бўйида арабининг ўлиғидай шалпайиб, девнинг панжаларидай шохлари ялпайиб ётган Боботут ёнида уларга етиб олдик. Банги гадир-будур тўт устида ўтирар, чап

кўксини ушлаб, инграб қўярди. Шоппи бова уч қадам нарида унга серрайиб термулаётганди. — Эби-эби, пошшо бова, тинч-ликми, ҳаерингиз оғриятми? — дея бангига меҳрибонлик қилган бўлдиқ. У аста бошини кўтарди, маъюс кўзларидан думалаган ички томчи ёш барақат ажин

Боботутга анча син солиб турган, сўради: — Кўп кўхна экан-да, а?! — Нимасини айтасиз, бова... Момомиз худораҳмати айтарди-ларки, бир пайтлар ана шу ерда Нурбой деган кишининг ховлиси бўлган экан. Уни Нурсарикбой деб аташган. Билмадим, ўтган асрнинг йиғирманчи йилларимикан, ўтти-зинчими, ишқилиб, ўша бой бовамиз Амрининг қайсидир хотинининг қизига ўланган экан-да. Янгамиз кўчур шунчалик сулуво, шунчалик сори узун эканики, сочини сандлан-нинг устига чиқиб юваркан! Ерда ўтириб ювса, сочи ерга тўкилиб тураркан! Бир кўчоқ соч-да, меймон бова! Алқисса, бой бовамиз ана шу хотинига ўланганда катта тўй берибди, мана шу ўзингиз ўтирган тўт тепасига тилло қовоқ отирибди.

Абдунаби ҲАМРО

тушган юзларидан оқарган калта соқолига сингиб кетди. — Мана бу ерим... — унинг овози хириллаб, аранг чиқди, йиртиқ чопони ёқасидан қўлини тагин чап кўйишга тикди. — И-и, бу-у дейман, юрак масаласи...

Меҳмонимиз, ниҳоят, ўзини сал ўнглагандай бўлди. Яғири чиқиб кетган, четлари пастга солланиб турган шляясини тўлдирди, сойдан сув олиб чиқди. Албатта, сувнинг тўксон фоизи не-не балоларни кўрган шляпадан пастга сизиб, оқиб тушди, вале қолгани ҳам бангини ўзига келтиришга кифоя қилди. Бозиргон кўрғур бироз нафасини ростлагач, нимагадир юмилиб бораётган кўзларини базўр очиб, менга гўлдирди: — Сан тушундиган боласан, одамларга айт, мана айбонтмасинлар... Ешларга насиҳат қилинглар, юртин ташлаб, узоққа кетмасинлар... Бегона юртдан болтанинг саси келади... Полвон бованг биларди, манга аён бўлган... Энди Сапар дўхтирини чақиртир... Шу-у... юрак сабил са-л-лгина-а. Ай-й, буюм ўтар-кетар. Эсиз, умрим-а...

Уша кўни то Сафарбой дўхтир-ни чақирди, то у «Тез ёрдам» мошини келгунча на биздан садо чиқди ва на меҳмонимиздан. Ниҳоят, дўхтирларнинг мошини келиб, бангини олиб кетди. Шоппи бова ёғинимизда чўзилиб ётган

Боботутга анча син солиб турган, сўради: — Кўп кўхна экан-да, а?! — Нимасини айтасиз, бова... Момомиз худораҳмати айтарди-ларки, бир пайтлар ана шу ерда Нурбой деган кишининг ховлиси бўлган экан. Уни Нурсарикбой деб аташган. Билмадим, ўтган асрнинг йиғирманчи йилларимикан, ўтти-зинчими, ишқилиб, ўша бой бовамиз Амрининг қайсидир хотинининг қизига ўланган экан-да. Янгамиз кўчур шунчалик сулуво, шунчалик сори узун эканики, сочини сандлан-нинг устига чиқиб юваркан! Ерда ўтириб ювса, сочи ерга тўкилиб тураркан! Бир кўчоқ соч-да, меймон бова! Алқисса, бой бовамиз ана шу хотинига ўланганда катта тўй берибди, мана шу ўзингиз ўтирган тўт тепасига тилло қовоқ отирибди.

Меҳмонимиз кўз олдимизда

Шу, ҳаминшаги насқадидан, фақат устига олтин қоплатган. Уриб туширган мерганга бир ҳўйқ соврини бори! Йиллар ўтиб, тут қариди, чириди, охири йиқилди. Тут деганимиз қизик дарахт экан: йиллар ўтаверди, бу чиримайди, лекин ичи куйди! Гўё биров аста ёнади-ган оловда, ўрсининг паялигига қуйдиргандек ички билмас қора-йиб бораверди... Э-э, буюм одамга ўхшайди-ей, дарди ичиди! Мана шу ўзингиз ўтирган тут-да. Ушандан бери буни «Бой бованинг тутти» дейимиз, кўпчилик Боботут дейди. Ишқилиб, шу-да, меймон бова. Бозиргон банги буни кў-ў-п яхши кўради, кўнига бир келиб ўтирмаса, ухлаб тинчи йўқ...

— Бу киши... жарчи бова? — Э-э, бу Бозиргон банги-ку! Чернотилми, аллақерда харбий-дай бўлиб келган. Ешлигиде дев-дай эди, ўлай агар! Бокўлган бу-қани бир муштлаб йиқитарди! Одамман дегани-ку, унга тикланиб келолмасди. Ишқилиб, армиядан келиб ўқишдан йиқилди, ота-онаси бевақў ўтиб қолди. Амакилар буни ўйлантирди, лекин... ўша хизмат қилган ерида бир балага йўлиққан экан бу қораманглий. Ра-дисиёми, ишқилиб, бир офат до-ридан бунга. Энди, ҳар кимга ҳар-хил таъсир қиладимки, ё банги бо-лиқиб қилиб, кучига ишониб, хавфли зонага ичкарироқ кирган-ми... Келин барака топсин илой-им, тўққиз-ўн ой ўтирди, бунинг

ҳурматини қилиб, сўнг ажралиб кетди. Бир тракторчи болага те-ди, хотини ўлган бир йигитта... Бу бечора ҳаммасига кўнликди, ала-мини босолмай... Ишқилиб, мана, йиғирма-ўттиз йилки, бунинг оти Бозиргон... Кўп ўқийди, армиядан икки чөмодан китоб олиб келган, дейишди. Кўшни кишлоқлик домлага қатнаб, озми-қўлми эс-кичаниям ўрганган деган гаплар юради, тагин ким билади дейсиз. Бир қарасангиз, «Ман Бозиргон пошшоман, Гўрўғлибекнинг жон-жигари!» деб кўксига муштлаб ўтиради, бир кўрсангиз бундан мўмин-мусулмон одам йўқ, кул-басида ётиб олиб, «Воҳ Кунсул-вим-а» деб юм-юм йиғлайди. Ака-укалари бор, иссиқ-совуғига қараб туришди. Ўзимизам уни... яхши кўрадимиз, меймон бова...

Меҳмонимиз кўз олдимизда

Ажаби, меҳмон билан қаддан ирими-га бир-икки чўкилаган бўлди, хо-лос. Унга савол назари билан қарадик, «Соғлик жойидими?» деб сўрадик, у бош чайқаб, ўф тортиди. — Анови бола ҳеч хаёлдан кетмапти-да, сабил... — Қайси бола? — Э-э, Бозиргон-да, бояги бола!

— Бозиргон бола эмас, эллик-дан ўтди, — дедик қулмисираб. — Ҳай, шу-да, барибир ҳали ёш бола у... Қизик одам экан-да бу бобой: унинг кўнглини овлай деб жон куйдирасиз, у бўлса парвойи-палак, қаёқдаги бир девона таш-вишида.

Уч кунгача меҳмонимиз очқот-мади, калавасининг ичига ўлқот-гандай гарангсиз юрди, туртин-чи кун эса кескин оҳангда буюр-ди: — Кийиниб чик, балнисага бо-рамиз!

«Зора меҳмон ўша ёқдан би-ратўла уйига жўнаворса...», деган илинж билан унга эргашдик. Туман марказидаги касалхонага етиб келгач эса, бу умиднинг ал-дамчи сароб эканлиги аён бўлди. Бир четдаги харобигина, овлоқ палатада етимдай ётган Бозиргоннинг ахволини кўриб, чолнинг авзойи бўлиди, чўн-тагидан бир тахлам пул чиқарди.

— Ма, катта дўхтирини топ-да, ярмини аста хиссасига тик, ке-йин аптекага бориб, Бозиргонга керак дорини топиб кел! Сер-райма, нима, сен турганда соқо-лимни селкилатиб мен чопай-ми? Тез бўл!

«Бодиликни қаранг! Соқоли бўлсам бошқа гап эди», деган гап хаёлдан ўтди. Ниолож кетдик, оксоқолнинг гапи муҳокама қилинмади. Аслида бизни хайратга солган нарса бу ҳам эмас. Дори ҳам, катта дўхтирининг кўнглига йўл ҳам топилди. Меҳмонимизнинг сийсати қаттиқ, дами баланд экан, вағир-вуғур қилиб, бемор-нинг ёнига яна битта қаравот қўйдирди-да, ётиб олди. — Сен боравер, мен қоламан. Жиянни яқка қолдириб бўлмай-ди, одам-одам билан тирик. Юрак билан ўйнашиб бўладими.

Вақтинг бўлса, эрта-индин бир айланарсан биз томонларга. Дамни фанимат билиб, ёпиш-қоқ меҳмондан қутулганимизга шукур қилиб, қанот боғлаб уйга учдик. — Тамом! — дедик хотинга тан-танавор оҳангда. — Меҳмон ўша ёқдан уйларига кетишлари аниқ! Шу гапга ўзимиз ҳам, бека-минизиям ишонтирдик. Лекин ҳар сафаргидай адашган эканмиз: эртасига бобой дўхтирларнинг мошинига ортиб, Бозиргонни кишлоққа олиб келди. Катта кўча-нинг бошида мошидан тушибоқ, сурон солди: — Вой жигарим-ей! Воҳ кўзим-нинг оқу қораси! Бевақт кетган жияним-ов!

Бунақа пайтада эл тез би-рлашди, бирпасда одам тўпланди. Оксоқоллар йўл-йўриқ беришди, ёш-яланглар югурлаб қолди-ди. Жаноза ўқилган, Шопўлат бова тобутнинг олд тарафини биз билан ён-ён туриб кўтарди-лар... Уша оқшом анча салқин туш-ган бўлса ҳам меҳмонимиз ҳо-лида тамаки тутатиб, юлдузлар кетма-кет уяётган осмонга анча вақтчада термулиб ўтирдилар.

— Юлдузлар тўқилаяпти... — ни-ҳоят хастахол ш

Истиклол шарофати тўғрисида маълумот берган эркин ижод муҳити қарор тоғди, мумтоз адабиётимизда намуналар бус-бутун нашр қилиниб, ҳар жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ этилаётди. Бир пайтлар орзу қилган муҳташам нашрлар — улуг шoir ва адибларимиз ҳаёти ва ижоди, булар билан боғлиқ жамий маълумотларни ўзида жамлаган қомусий китоблар яратиш имкониятлари юзага келгани ҳам мустақиллигимиз мевасидир. Яқинда чоп этилган "Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси" фикримизга далилдор. Мазкур нашр маданий-маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлганини қайд этиш жоиз. Айни пайтда "Навоий энциклопедияси"ни яратиш бўйича қизгин иш олиб борилаётди. Атоқли навоийшунос олим, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Хайитметов "Навоий энциклопедияси"ни яратиш

гоясининг асосчиси ва ташаббусдори эди. У пайтлар ҳали Марказий Осиё минтақасида адабий қомус яратиш тажрибаси йўқ эди. Олим қисқа муддатда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ўзи раҳбарлик қилган Ўзбек адабиёти тарихи бўлими илмий жамоаси билан "Навоий энциклопедияси" сўзлигини тайёрлаб, олти ярим босма табоқ ҳажмида 200 нусхада "Ўзбек энциклопедияси" Бош таҳририяти томонидан муҳокама учун 1988 йилда нашр эттирган эди. "Сўзлик"нинг А.Хайитметов томонидан ёзилган кириш мақоласида бўлажак "Навоий энциклопедияси"нинг гоё ва тамойиллари, мақсад ва вазифалари ифода қилинган. Ушбу мақола матбуотда биринчи марта эълон қилинмоқда.

Мақола филология фанлари доктори Нусратулло Жумаҳўжа томонидан нашрга тайёрланди.

О.Шарафуддинов, С.Айний, А.К.Боровков, Ойбек, А.Саъдий, В.Зоҳидов, М.Шайхзода, П.Шамсиев, С.Муталлибов, Х.Сулаймонов, У.Каримов, Н.Маллаев, навоийшуносларнинг кейинги авлодига мансуб олимлардан А.Қаюмов, А.Рустамов, А.Абдуғафуров, С.Эркинов, Б.Валихўжаев, С.Нарзуллаева, С.Ғаниева, Р.Воҳидов, Е.Исҳоқов, Т.Аҳмедов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари навоийшунослик фанимизни анча бойитди. Бу олимларнинг Навоий ҳақидаги китоб ва мақолалари улуг шoir ҳаёти ҳамда ижодини ҳар томонлама ўрганишга, унинг лирик, эпик, насрий ва илмий асарларининг тарихий ва эстетик маъноси, аҳамиятини чуқурроқ билиб олишга хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Навоий ижоди Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Татаристон, Қорақалпоғистон каби республикаларда ҳам севиб ўрганилмоқда. Бугунда навоийшуносликни Х.Ораслий, А.Мирзоев, Б.Қориев, Э.Шодиев, Ж.Нағиева, Ш.Абилов каби олимларнинг тадқиқотларисиз тасаввур этиш қийин. Кейинги йилларда навоийшунослик тадқиқотларига жаҳон мамлакатларининг шарқшунослари ҳам киришди. Бу соҳада Афғонистон республикаси олимлари кейинги йилларда маҳсулдор иш олиб бормоқдалар. Хорижий олимларнинг Навоий ҳақидаги тадқиқотлари ҳам қанчалар маълум. Навоий ҳақида Франция, Италия каби жаҳон мамлакатларида қизиқарли тадқиқотлар эълон қилинган. Булар ҳаммаси Навоийни ўрганиш бўйича қилинган ишларни эндиликда энциклопедия доирасида умумлаштириш зарурлигини ва бунга фурсат этганлигини кўрсатади.

"Навоий энциклопедияси"нинг бош вазифаси китобхонни шoir ҳаёти ва ижоди, у яшаб ижод қилган давр билан ҳамда ўша давр адабий ва маданий жараёни билан батафсил, деталлашган тартибда, шoir дунёқарашининг инсонлар ва тараққиётпарвар характерини, унинг ўзининг ўз салафлари ва замондошлари ижоди билан боғлиқлигини кўрсатиш, унинг ўзининг адабиёт, санъат ва маданиятнинг келажак тараққиётига таъсирини ёритиб беришдан иборатдир. "Навоий энциклопедияси"да мамлакатимиздаги навоийшуносликнинг аҳоли, тарихи, унинг етакчи намунадалари ҳақидаги маълумотлар тегишли ўрин тўтиши керак.

"Навоий энциклопедияси" Шарқ шoirи ҳақидаги биринчи энциклопедия бўлгани учун бу жамоавий иш илк

тажриба сифатида қаралиши зарур. Шунинг учун, табиийки, мазкур энциклопедия мулаққат бўлиши, мукамалликка даъво қилмайди. Бинобарин, мазкур асардан Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиб бериш, барча фактларни қайд этиш ҳам талаб этилмайди. Бу энциклопедия, аввало, ҳозирги ўзбек

Навоий девонларидаги газал ва бошқа шoir турлари матлавларининг тўла рўйхати, "Мажолис ун-нафоис", "Насойим ул-муҳаббат", "Тарихи мулуку ажами", "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарларига кирган ва изоҳланган киши номларига оид ҳар бир асар бўйича алоҳида-алоҳида рўйхатлар, Навоий ўз шеърини қўллаган шеърини вазнларнинг рўйхати ва бошқалар илова қилинади.

"Навоий энциклопедияси"дан тарихий-назарий характердаги бир қанча муаммоли мақолалар ўрин олади. Уларсиз ҳозирги ижтимоий фанлар ривожланган вақтда навоийшунослик фани эришган ютуқларни умумлаштириш қийин.

"Навоий энциклопедияси", "Пушкин энциклопедияси" ҳақида таниқли адабиётшунос Б.С.Мейлах ёзганидай, унинг яратувчиларидан, "Сўзлик"ни тузувчиларидан "материалларни жойлаштиришда мутаносибликка аҳамият бериши", "энциклопедияни кўмиб юбориши мумкин бўлган керексиз таъсирларга берилмаслики, диққатни мумкин қадар муҳим масалаларга қаратиши талаб қилади".

"Навоий энциклопедияси"ни яратиш гоёт мураккаб иш. Уни бир-икки муассаса мутахассисларига яратиш олмайд. Бу кўтулғу вазифани бажаришга Республикадаги ва ундан ташқаридаги барча мутахассисларни тортиш, мушкул муаммоларни жамоавий жиспланди ҳал қилиш шарт. Бунда биз "Лермонтов энциклопедияси" (Москва, 1981), икки томлик "Шевченко сўзлиги" (Киев, 1978), бир томлик "Янка Купала" энциклопедияси (Минск, 1986) тажрибаларидан унумли фойдаланишимиз зарур. Навоий ижоди ўзбек адабиётида муҳим бир даврни ташкил этади. Бинобарин, "Навоий энциклопедияси"да улуг шoir ҳаёти ва ижоди жаҳон адабиётининг энг муҳим бир қисми сифатида ёритиб берилиши керак...

Абдуқодир ХАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор
1988 йил.

НАВОИЙ АБАДИЯТИ

"НАВОИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ"НИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Ўзбек адабиёти тарихи бўлими 1986 йилдан бошлаб "Навоий энциклопедияси"ни яратишга киришди. "Навоий энциклопедияси"ни яратиш ўзбек ва бошқа кўпгина туркий халқлар адабиёти ривожига муҳим роль ўйнаган улуг шoir ва мутафаккир, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига мамлакатимизда ва ундан ташқарида ҳам қизиқишнинг ортиб бораётгани билан боғлиқ.

Алишер Навоий ўрта аср Шарқнинг буюк инсонпарвари, эпик ва лирик шеърининг йирик намояندаси сифатида ҳамма вақт улкан оғру ва эътиборга сазовор бўлиб келган. Шoir ҳаёт вақтидаёқ замондошлари унинг шеърини ва шахсига катта ҳурмат билан қараганлар. Унинг асарлари жуда кўп нусхаларда кўчирилган. Шoirга бўлган муҳаббат унинг вафотидан кейин янада кучайган. Унинг ҳаёт йўли ҳақида махсус рисолалар ёзилиши билан бир қаторда, XVI асрдаёқ шoir асарларига Толъё Имонийнинг "Бадоеъ ул-луғат", Номаълум муаллифининг "Абшўша", Мирзо Махдумнинг "Санглоҳ" каби луғатлари тузилган эди. Кўп ўзбек шoirларининг ижоди, турли даврлардаги ва турли регионлардаги адабий муҳитни акс эттирувчи қатор таъриқлар шундан гувоҳлик берадики, Навоий ўз ижоди, ўз илгор гоёлари билан адабиёт ва маданият тараққиётига, халқларнинг маънавий ҳаётига доим ўзининг ҳаётбахш таъсирини кўрсатиб келган.

Бироқ Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини илмий ўрганиш XX асрдагина бид-

дий тусга кирди. Шoir адабий ва илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда омалаштиришда унинг таваллуд саналари муносабати билан 1928, 1948, 1966-1968-йилларда ўтказилган юбилейларнинг аҳамияти катта бўлди. Навоий ҳаёти ва ижодини турли жиҳатлардан ёритувчи улаб илмий монографиялар юзага келди. Рус тилида чоп этилган "Мир-Али - Шер" (Ленинград, 1928), "Родоначальник узбекской литературы" (Ташкент, 1940), "Алишер Навоий" (Москва-Ленинград, 1946), "Великий узбекский поэт" (Ташкент, 1948), ўзбек тилида эълон қилинган "Улуг ўзбек шoirи" (Тошкент, 1948), "Навоийга армуғон" (Тошкент, 1968), беш томлик "Ўзбек адабиёти тарихи" тадқиқотининг 2-томи (Тошкент, 1977), "Навоий ва адабий таъсир масалалари" (Тошкент, 1968), "Навоий ва ижод сабоқлари" (Тошкент, 1981), "Алишер Навоий "Хамса"си" (Тошкент, 1986) каби мақолалар тўпламларини Навоий ҳақидаги жамоавий тадқиқотларнинг ёрқин намуналари деб баҳолаш мумкин. Шoirнинг "Хайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Сабаъна сайёр", "Мезон ул-авзон", "Мажолис ун-нафоис" каби асарларининг илмий-танқидий матлавлари яратилди. Олтинчи ва еттинчи йилларда шoir асарларининг ўзбек тилида ўн беш томлиги ва рус тилида ўн томлиги нашрдан чиқарилди.

Ҳозирги паллада эса ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти билан Х.Сулаймонов номидаги Кўлёмалар Институти ҳамкорликда Навоийнинг "Мукамал асарлар тўплами"ни йиғирма томда нашрга тайёрлаб, чоп эта бошладилар. Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга

1957 йилдан бошлаб ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти томонидан ҳар йили шoir таваллуд тоғпан кунини — 9 февралда ўтказилаётган аънавий конференциялар кўп янгиликлар кўчди.

Ўзбек навоийшуносининг сўнгги йиллардаги ўзига хос фазилатларидан бири Навоий ҳаёти ва ижодининг кенг адабий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий микёсда ўрганилаётгани, тадқиқ этилаётганидир. Бу шунинг учун ҳам тўғрики, аввало, Навоий ижоди ва илмий меросининг пайдо бўлишида форс-тожик, озарбайжон, араб ва бошқа халқларнинг адабиётлари, фольклори, адабиётшунослик илми ҳам катта роль ўйнаган. Навоий меросини ана шу адабиётлар билан қиёслаб ўрганиш Навоий ижодини, унинг асарлари манба ва маншоларини аниқлаш ҳамда тўғри баҳолашга кенг йўл очади.

Иккинчидан, Навоий фаолияти шoirлик билангина чекланмаган. Навоий ўз даврининг йирик сиёсий арбоби, маданият ҳомийси, дошинамд олим сифатида ҳам фан, санъат, ижтимоий фикр тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган эди. Бу соҳалардаги кўп ютуқлар унинг номи билан боғланган. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда у Султон Хўсайн Бойқаронинг вазирини ва энг яқин кишини ("муқарраби султоний") сифатида доим мамлакатда ҳунармандлик, қишлоқ хўжалиги, савдони ривожлантиришга, бошқа давлатлар билан тинч қўшничилик муносабатларини ўрнаттишга, темирйўллар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкам этишга ҳаракат қилди.

Навоийшуносларнинг катта авлодига мансуб В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс,

гари иллатларни кўрсатишда моҳирлик билан фойдаланади. Шерлар бола феълга хос ўйноқ ва энгил, самимий ва жўшқин оҳангларида битилган.

Учай деса учолмас,
Уларда йўқ қанотлар.
Аммо, қизик, одамлар
Соатни юради дер...

Аслида-чи, қўларга
Тақиб қўйса туради.
Одамлар юрган чоғда
Мазза қилиб юради.

Ушбу шеър қаҳрамони бугуннинг зийрак ва топқир боласи. У ўз дунёқараши доирасида ҳар

"Доно бахил бўлса ёмон. Нодон аҳил, бўлса ёмон", "Баланд чўққига Борми тўғри йўл? Унга етказар Эгри-бугри йўл" сингари лўнда ва мазмуни пишиқ-пихта шеърлар нафақат болаларни, балки катта ёшдаги китобхонларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Қиссадан ҳисса тарзида битилган мисралар болаларни ён-атрофга, инсонларга эътиборли бўлишга ундаса, катталарни ҳаёт ҳақида мушоҳада юритишга ундайди.

Инглиз, поляк, чех болалар адабиёти намуналаридан танлаб

ирасини кенгайтиришда, мактабда эгаллаётган билимларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

"Хизрнинг ўзи экан" номи китобида Қамбар Отанинг ҳаёт, ижод, инсоний фазилатларининг

Китобингизни ўқидим

қадр-қиммати оид мулоҳазалари, мушоҳадалари, ижодкорлар хислатлари ҳақидаги хотиралар жамланган. Ўсмирлар ва ёшларга аталган бу пурҳикмат қайдлар эзгулик ва оқибат, дўст-биродарлик туйғуларининг самимий, таъсирчан талқини тўғрисида ўқувчи қалбини эзгулик хислари билан тўлдирди. Айниқса, Гафур Ғулום, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Қуддус Муҳаммадий сингари атоқли ўзбек адиблари билан боғлиқ жонли хотиралар китобхонни бефарқ қолдирмайди. Инсон қадр-қиммати, адолат ва садоқат, фидойилик ва камтарлик, бағрикенглик каби фазилатлар ҳаётини воқеалар замирида очиб берилади.

"Уати борнинг эзгу нияти бор", "Бирда замон азиз, бирда — сомон азиз", Ғийбатга ёр — гурбатга ёр", "Ўзинга ўзинг қанча юқори баҳр берсанг, шунча пастлаб бораверсанг" каби икки юздан зиёд қўйма, мазмунан теран фикр-мулоҳазалар ушбу тўпламининг мундарижасига зеб берган. Қамбар Ота ҳаёт тажрибасидан ортирган ҳулосаларини мақолаларга ўхшатиб пурҳикмат мисраларга жойлаган. Зеро, мақоллар фикрлар қаймоғидир. Шoirнинг ўзи таъкидлагандек, у болалар ва катталар адабиётини айрича тасаввур қилмайди. Унинг ёзганлари барчани бирдек қизиқтиради. Кўнгилларга ёруғлик ва маънавий озۇқа бахш этади.

Наргиза ТЎХТАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент
давлат педагогика
университети ўқитувчиси

Болаларнинг сеvimли шoirи Қамбар Отанинг "Ўқитувчи" ва "Тафаккур қаноти" нашриётларида чоп этилган китобларида болалар маънавий оламини бойтадиган сара шеърлар, фалсафий йўсиндаги насрий, истиқлол гоёси билан сўғорилган ўй-мулоҳазалар, хотиралар жамланган.



"Соғлом бола" деб номланган китобида шoir жисмонан соғлом ва фикри тийрак болалар образини яратишга эришган. Қалбиди меҳр-муҳаббат жўш урган, ёруғ мақсадлар сари интилувчан қаҳрамонлар тимсолида шoir истиқлол даврида камол топаётган авлод қиёфасини чизади.

Отам менга болам деди,
Сенсан ёруғ олам деди.
Мен дедим, тез катта бўлай.
Ота, Сизга Ота бўлай.

"Ота-бола сўхбати" деб номланган бу шеър бир қарашда оддий мазмунни ифода қилгандай туюлади. Аслида эса, унда кичкинтойнинг беғубор орзулари болалик олами орқали табиий, самимий акс этган. Болакай ўзига бўлган оталик меҳрини қалбан ҳис этади ва миннатдорлик туйғусини болаларча "Ота" бўлибгина изхор этиш мумкин, деб билади.

Шoir "Оқ айик" шеърдаги "Оқликка меҳр қўйган, Чиниққан соғлом айик", "Оқ қор кўрпа-тўшаги" сингари мисралар орқали болаларни шунчаки қор қўйинди чиниқишга даъват этади, балки оқ айикнинг яшаш тарзини тасвирлаш орқали кичкинтойларда унинг соғломлиги ва чидамлилигига ҳавас уйғотади. Китоб кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган. Болалик оламнинг турфа эврилишлари, ҳайвонот ва наботот оламга болаларча муносабат таъсирчан тасвирланган. Маънавий юксалишга ундовчи, аммо қуруқ панд-насихатдан йироқ, кичкинтойлар қалби, онгига мос олтишга яқин сара шеърлардан таркиб топанган.

Қамбар Ота шеърлари бир

ўқишдаёқ бола ёдига осонгина сақланиб қолади. Айниқса, Ватан, ота-она, дўстлик ва биродарлик, юрт тинчлиги, мактаб ҳаётига оид мазмунларнинг бадиий талқинлари ҳамда она-табиат ноз-неъматлари ва қўшлар образи акс этган шеърлар шoir ижодиди алоҳида ўрин ту-

ҚУЁШ БОЛА, ОЙ БОЛА

тади. Хусусан, "Қуёш бола ой бола" деб номланган тўпламда мазмуни чуқур, оҳанги жарангдор шеърлар жамланган.

Ватан мадҳи, юрт истиқболи талқин этилган шеърлар болалар адабиётида жуда кўп яратилган. "Гул умрини чулғаб истиқлол, Ер, осмонин кучгандир иқбол", "Мустақиллик байроғи, Дўст-аҳиллик байроғи", "Қандай яхши, сайр қилиб, Кез-сак бутун жаҳонни. Дунё кўрган чин дилдан, Ардоқлайди Ватани" каби мисралар содда ва раволиги, сўз ва ибораларнинг болаларбоғлиги, айни пайтда катта орзуларга ундаётгани билан эътиборни тортади.

"Мақтанчоқлар", "Зарпечак", "Қарганинг насихати", "Чумчуқлар", "Товус", "Муз нега йиқилди?", "Анқов" каби туркум шеърларда болалар табиятига хос баъзи нуқсонлар энгил юмор орқали фож этилади. "Яшаш учун текинга, Чирмашсан экинга", "Товуқларни қийратсанг, Бирортаси кўрмасин. Асло қарға зотидан, Ғумон қилиб юрмасин" каби мисраларда шoir ўсимлик ва қўшларга хос хусусиятлардан болаларда учрайдиган дангасалик, ёлғончилик, ўйинқароқлик син-

қуни фойдаланадиган соат деталлини образлаштиришда ва "юриш" хусусиятини янгича кашф этади. Қамбар Ота ўз шеърларида турли тоифадаги болалар образларини яратган. Чунончи, "Шумтакалар" шеърда тантик, эркатой, ўйинқароқ, шумтака болаларни тасвирлашда шoir мисраларни ўйноқ оҳанг билан таъминлаш орқали таъсирчанликка эришади.

Ҳаёлига келганидан
Толмайдиган шумтакалар,
Асло ўзи билганидан
Қолмайдиган шумтакалар.

"Қўшлар боғчаси" номи китобчада ҳам кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга мўлжалланган шеърлар билан бирга инглиз, поляк, чех ва бошқа жаҳон халқлари болалар қўшиқлари, шеърини намуналаридан таржималар ўрин олган. Қисқа сатрларда ифодаланган фалсафий-маърифий мазмундаги айрим шеърлар халқ мақолларини ёдга солади. Аслида ҳам ёзма адабиётнинг илдиэлари халқ озаки ижодидан сув инади, халқчиллик ва ҳаётийлик ҳар қандай асарнинг, жанри ва ҳажимдан қатъий назар, ҳаққонийлигини таъминлайдиган мезонлардир.



Қамбар Ота шеърлари бир

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

Хорхе Луис БОРХЕС

СУҚРОТ КИТОБ ЁЗМАГАНМИ?

Инсон фойдаланадиган турли-туман аслахалар орасида энг гаройиби, шубҳасиз, китобдир. Қирқонларини эса унинг моддий давоми, деб ҳисоблаш мумкин. Микроскоп ва телескоп — қўзни давом эттиради, телефон — овозни, омоч ва қилич — қўлни. Бироқ китоб — бутунлай бошқа нарса, китоб хотира ва тасаввурнинг давоми.

Бир пайтлар мен китоблар тарихини ёзишни ўйлагандим. Бироқ китоблар мени моддий объект сифатида қизиқтирмаган (биринчи навбатда бу жуда кўп китоб йиғадиган библиофилларнинг китобларига тааллуқли), мени китоблар ҳақида айтилган фикрлар қизиқтирган.

Қадимги юнонлар ва римликлар биз каби китобга сизинишмаган ва бу мени жуда ажаблантиради. Китобда улғайган озаки жонли сўзнинг лошини, ўлик нусхасини кўришган. Одатда кўп келтирилган "Scripta manent, verba volant" ("Ёзилгани қолади, сўзлар унутилади") ибораси озаки сўз ҳавога сингиб йўқолади, деган маънони эмас, балки ёзилган сўз қаттиқ ва ўлик, деган маънони билдиради. Дарҳақиқат, озаки сўзда қандайдир қанот бор ва энгил, Афлотун айтмоқчи, "қанотли ва илоҳий". Инсониятнинг улғайган озаки сўз орқали таълим берган...

Пифагор атай ёзмаган; у фикрлар, ўлимидан кейин, шогирдлари онгида яшаб қолишини истаган. "Magister dixit" ("Устоз айтган"), деган ибора шундан келиб чиққан.

Афлотун китоблар образларга (афтидан у ҳайкаллар ва картиналарни назарда тутган) ўхшайди, жонлидай туюлади, бироқ улардан бирор нарсани сўрасанг, бизга жавоб қилмайди, дейди. Бу камчилики тузатиш учун Афлотун диалог(сўхбат)ни ўйлаб топган. Афлотуннинг диалогларида Суқрот ва бошқа кўп китоб персонажлар ишга солинади. Эҳтимол, Афлотун Суқротнинг ўлимидан сўнг ўзини Суқрот яшавати деган фикр билан ўзига таскин бергандир. Ҳар қандай муаммога дуч келганида у, ҳўш, бу ҳақда Суқрот нима деган бўларди, деб сўрайди. Шу тарика озаки нутқ орқали таълим берган ва ҳеч нарса ёзмаган Суқротнинг барҳаётлиги таъминланган.

Бир гал Бернард Шоудан Инжилни Муқаддас Рух ёзган, деб ҳисоблайсизми, дея сўрашган. Шой: "Ҳар қандай китоб, моддомки қайта-қайта ўқинганга арзаса, демек, уни Рух яратган", деб жавоб қилган. Яъни китоб унинг муаллифи хоҳлаганидан кўра узокроқ яшashi керак. Муаллифининг мақсади — атиги инсоний бир мақсад, муаллиф адабиёти мумкин, бироқ китобда қандайдир катта нарса бўлиши керак. Чунончи, "Дон Кихот" — рицарлик романларига киноя тарзда ёзилган сатирагина эмас. Бу яхлит матн, унда тасодифга ўрин йўқ.

Китоб ҳақида кўп китоб ёзувчилар зўр гапларни айтишган. Монтен эсселаридан бирини китобга бағишлаган. Унда ёдда қоладиган шундай ибора бор: "Мен қўвонмай туриб ҳеч нарса қилмайман". Монтеннинг таъкидлашича, мажбурий китоб ўқиш назарисини — нотўғри. У китобда ўқишни қийин жоний бўлса, ўша жоний ташлаб кетишини айтади, чунки мутолаада бахтиёрлик туйғусини кўради. Менинча, адабиёт қувонч бағишлаши керак. Агар биз бирор китобни қўялиб ўқисанг, бу муаллиф муваффақиятсизликка учраганини билдиради.

Мен доимо ўқишдан кўра кўпроқ қайта ўқишга ҳаракат қилганман. Назаримда, қайта ўқиш муҳимроқ. Аввалига китобни ўқиш керак, кейин уни қайта ўқиш керак.

Китоб таркиб топган сўзлар аслида нима? Бу ўлик ҳарфлар — тимсоллар, белгиларда қандай маъно бор? Ҳеч қандай. Китобнинг ўзи нима, агар уни қўлга олиб очиб қаралмасан? Бу шунчаки муқоваланган бир қисм қоғоз. Бироқ агар у ўқилса, унда гаройиб ҳодиса рўй беради — у ҳар гал ўқилганда бошқача бўлаверади.

Мен танқидга қарши чиққан эдим, энди гапимни қайтариб олам. Ҳа, Гамлет — бу ўша, XVII аср бошида Шекспир назарда тутган Гамлет эмас эди. Бу энди Колриж, Гёте ва Бредли Гамлетти. Гамлет қайта яратилди. "Дон Кихот" билан ҳам шундай ҳодиса рўй бераётди... Китобхон китобни бойтади.

КОМИЛЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Шердор мадрасасининг сири

Самарқанд рамзига айланган Регистон майдони, унда қад ролган Мирзо Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари халқимиз маданияти нечоғлик бой тарихга, юксак бадий анъаналарга эга эканини намойиш этади.

Ушбу меъморий обидалар буюқ ажодларимизнинг илмий-ижодий меросини ўрганишда ўзига хос манба сифатида хизмат қилиб, янги тадқиқот ва кашфиётлар учун асос бўлаётир. Улар орасида, айниқса, Шердор мадрасасининг пештоқида тасвирланган машҳур тимсоллар бугун дунё олимлари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.



Шарқ тасвирий санъатининг ноёб намуналари ҳисобланган ушбу суратларнинг яратилиши ўзига хос тарихга эга. Шердор мадрасаси XVII асрда Самарқанднинг маърифатпарвар ҳокими Ялангтўш Баҳодир буйруғига қўра машҳур меъмор Абдуҷаббор (тўлиқ исми маълум эмас) лойиҳаси бўйича ўн етти йил давомида (1619-1636) бунёд этилган. Бинони меъморий беъзақ устаси Муҳаммадбосс зийнатлаган.


Мадраса пештоқининг икки томони симметрия қилиб рамзий нақшлар билан безатилган ва унда қизғиш-зарҳал рангли Шер нозик оқ оҳуни қувиб кетаётгани тасвирланади. Одам қиёфали Қуёш зарҳал ёғду билан хошияланган. Улар атрофига нақшу нигорлар чизилган. Меъмор Абдуҷаббор нафақат нақш тили, балки фалсафий қарашлар билан ҳам яқиндан таниш ижодкор бўлгани ҳисобга олинса, улкан бино пештоқида бундай ўзига хос безакларнинг қўлланиши чуқур рамзий маънога эгаллиги маълум бўлади.

Таниқли олим, академик Пўлат Зоҳидов ўзининг «Меъмор олами» китобида Шердор мадрасасининг беъзақи

ҳақида фикр юритар экан, самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжа XIX асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария» китобидаги маълумотларга эътибор қаратади. Унга қўра пештоқдаги тасвир мазмуни мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифланади. Абу Тоҳирхўжанинг фикрича, қуриш — Қуёш шакли Шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган. Оҳуни тугмоқчи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки, нур-зиё офатни даф этмоқда. — Лекин, — дейди Пўлат Зоҳидов. — ҳозирча, тасвирнинг талқини ҳақида бошқа бирор аниқ тарихий маълумотга эга эмасми?»

Ҳақиқатан ҳам Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирий безаклар тилсими ҳали етарлича талқин қилинмаган. Илгари сурилган мулоҳазаларнинг асқар қисми ҳали чуқур тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, Шердор мадрасаси пештоқидаги нақшлар мураккаб композицияга эга. Уларни таҳлил қилиш учун санъатшунос олимлар нақш санъати билан бир қаторда тарих, астрология, физиогномика (қиёфа илми), ранг психологиясидан хабардор бўлиши шарт.

Шердор мадрасаси пештоқидаги нақшларнинг тарбиявий аҳамияти чизма асосида акс эттирилган. Беъзақларни нақш тили билан ўқисак, унда «Инсон умри давомида зиё орқали руҳий покликка эришади, сўнгра у комиллик даражасига етади», деган фалсафий гоя илгари сурилганини кўрамоқда. Яъни зиё орқали инсон руҳий покликка, руҳий поклик орқали комилликка эришади. Ушбу тасвирий ечим замирида жаҳолат ва маърифатнинг ўзига хос кураши ҳам ифодаланган. Аммо ранг ва шаклларнинг умумий характерида бу



зиддият яққол сезилмайди. Асосий эътибор табиатда учровчи турли гул ва ўсимликлар, ҳайвонларнинг нафис қиёфаларини уйғунлаштирган ҳолда, гўзал фалсафий-мифологик воқеани акс эттиришга қаратилади. Бунда меъмор Абдуҷаббор «Қуръони Карим»да айтилган «Оллоҳ гўзалликни яхши кўради» деган фалсафий гояга асослангани сезилади.

Пештоқдаги тасвир рамзий маъно-Саидхобор БУЛАТОВ, педагогика фанлари доктори

да Ялангтўш Баҳодир сиймосига ҳам урғу беради. Композицияда биринчи шакл шерсимон йўлбарс, иккинчиси оҳу, учинчиси қуёш, тўртинчиси намоеън (нақш тури). Композициядаги асосий қаҳрамон бу шердир. Наққош томонидан у икки ўринда, яъни

Қадриятларимиз

қўпликда инсонларни, бирликда Ялангтўш Баҳодирни ифодалаган. Зеро, мадрасани қуриш жараёнида меъморлар олдиға илм-фан ва санъат ҳомийси ҳисобланган давлат арбоби яшаган давр, у амалга оширган хайрли ишларни кўрсатиб бериш мақсади ҳам қўйилган. Абдуҷаббор етук наққошлар гуруҳи билан маслаҳатлашиб, бетакрор композиция тузади ва юқоридаги вазифани юксак маҳорат билан бажаришга эришади.

Буюқ наққош Маоний «Ҳақиқий наққош шундай ижодий уфқ топиши керакки, унга интилган сари янги-янги гўзаллик олами очилсин. Табиати айнан тасвирлаш бу сарҳаднинг ниҳояси эмас, агар кимки расмлардаги ҳар бир чизиққа жон бағишлай олар экан, у санъат қалитини эгаллаган бўлади», деб бежиз айтмаган. Буюқ ажодимиз самарқандлик меъмор Абдуҷаббор ҳам ана шундай етукликка эришган ижодкор бўлганига шубҳа йўқ.

Хулоса қилиб айтганда, миллий беъзақ санъати халқимизнинг ноёб маданий бойлиги. Машҳур наққош ва усталарнинг ижодини ўрганиш, ўз навбатида, миллий маданиятимиз тарққийетини теран англаш имконини беради. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслиқдир». Шу сабабли, ушбу ноёб санъат дурдоналарини сақлаш, илмий жиҳатдан ўрганиш ва келажак авлодга етказиш долзарб аҳамиятга эга.

Таниқли шоир Зоҳиджон Обидов 1923 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Тошкент давлат университетининг филология факултетини тугатган. Телевидениеда, нашриётларда ишлаган, узоқ йиллар «Муштум» журналида фаолият кўрсатган. Илк китоби «Яхши ният» номи билан 1957 йили чоп этилган. Шундан сўнгра бирин-кетин «Совға», «Тонг юлдузлари», «Сенинг изларинг», «Табассум», «Умид тўпқинлари», «Танланган» каби қатор тўпламларини ўқувчиларга тақдим этди.

З.Обидов қўшиқ жанрида ҳам баракали ижод қилди. Шоирнинг шеърлари асосида яратилган Ватан, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат мавзuidaги қўшиқлар ҳамон эфирларда янграб, мухлисларга хуш кайфият улашмоқда.

Қуйида шоир шеърлари асосида яратилган қўшиқлардан намуналар эътиборингизга ҳавола этамиз.

Зоҳиджон ОБИДОВ

КЕЛМАСМУ

Баҳор келди севгимга, фасли баҳор келмасму, Гулга булбул этур роз, васлимга зор келмасму?!

Қушлар ўйнар ҳавода, еллар майин навода, Бир мен ёғиз афтада, ошuftа ёр келмасму?!

Васл этса ҳам хумори, қўймайди қизлик ори, Утли ишқим сардори билса, бир бор келмасму?!

Айтсам адо бўлмас роз, қалбим чертилмаган соз, Айлаб кўнглим сарафроз, ул гамгусор келмасму?!

Ишқим дилда ҳилола, тўлишгай бора-бора, Фасли баҳор келибдур, васли баҳор келмасму?

Яшаётган қўшиқлар

Куйла, дилкаш дуторим

Куйла, дилкаш, садоқатли дуторим, Ёзиб дилдан ёр ишқиди хуморим. Қалб садоси бўлиб янгра қўлимда, Зарра қўймай бу кўнглининг губорин.

Ҳамламин бўл уйқу қочган кечалар, Интизорлик дафтар очган кечалар. Ҳар пардада висол шомини ёр яқин, Қўмсатур ёр бирга юрган кўчалар.

Дарлашурман бошинг босиб кўксима, Ёр келганда четда қолсанг, ўксима. Ёр кетганда қўлга олсам ўртаниб, Далда бўлгил, нозланиб сен йўқ дема.

КЕЧАЛАР ЮЛДУЗ САНАБ

Кечалар юлдуз санаб, Юлдуз кўзинг, деб ёнаман, Ой магар чиқса қараб, Васлингми деб, тўлғонаман.

Булбулигўемсан, Дилларда гуллар очасан, Доғ эрур рўемсан, Бир зумда кўздан қочасан.

Қочма кўп барно нигор, Ишқингни мен парвонаси, Дилда борин айла ошкор, Тудли сабрим қосаси.

Севмасанг шайдо этиб, Сен мунча зимдан боқасан, Дилда ишқ шайдо этиб, Ҳажрингда ўтдек ёқасан.

На бўлур боқсанг қиё, Қўнгила ишқинг гулчарлар. Мунчалар гуссанг раво, Тонданми бағринг шунчалар?!

Мен вафо бўстони деб, Бердим қўнғил сен ёр учун, Бул жафо ёҳони деб, Бир кун муруват бор учун.

ҚАЙДАНАМ КЎРДИМ СЕНИ

Қайданам кўрдим сени, Дил бўзлатиб қўйдинг, нетай, Эс-хушим сайд айлабон, Кўз-қўзлатиб қўйдинг, нетай.

Талпинур бечора дил Ҳар дам ҳаёлинг дудила, Ёнди жон ҳажр ўтида, Ёлғизлатиб қўйдинг, нетай.

Интизорлик торта-торта, Тоби тоқат қолмади, Аҳди паймон шулмиди, Ёр, излатиб қўйдинг, нетай.

Бедахл ишқ гулшанин Тугтан эдим меҳринг кўриб, Ташналик доғин солиб, Эсизлатиб қўйдинг, нетай.

Тудди Зоҳиджон сенга Кўнғил қушин ардоқда деб, Дилда-бадам нитиқ қилиб, Маънослатиб қўйдинг, нетай.

Истиқлол фарзандлари

Мусиқа — сеҳрли дунё. Унинг рангин олами, бетакрор жозибаси ҳар қандай инсонни ўзига ром этади. Майин ва ёқимли куй қалбларга ажиб ҳарорат, гўзал туйғулар жилосини олиб киради. Оҳангларнинг нафис товланиши руҳимизга қувват, шууримизга тиниқлик бахш этади. Мусиқа ўзига ошuftа кўнглини эзуликка, ижод қилишга ундайди. Шу йил санъат йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси бўлган Чарос Маратова ҳам мусиқа санъатининг ҳақиқий шайдоларидан бири.

ЧАРОСНИНГ ОРЗУЛАРИ

Ўрта мактаб билан бир қаторда, пойтахтимиздаги 13-мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган масканда ҳам таҳсил олиб, устозлари кўмагида мусиқий билим ва салоҳиятини бойитиб бораётган Чарос анча ёш бўлишга қарамай, ҳавас қилса арзигulik ютуқларни қўлга киритиб келмоқда.

Дастлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зиёда Мадрахимова раҳбарлигидаги «Марварид» болалар ансамблининг рақс тўғралигида қатнашган Ч.Маратова ёрқин истеъдоди ва табиий салоҳияти билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Гарчи фаолиятини рақс йўналишида бошлаган бўлса ҳам мусиқага қизиқиши устунлик қилди. Мусиқа мактабида устози, тажрибали педагог Гулфия Аҳмеровадан фортепиано чалиш сир-асрорларини пухта ўзлаштирди. «Фортепиано билан тиллашиш учун одамда кучли сезги ва ҳиссиёт бўлиши лозим, — дейди Гулфия она. — Бармоқлар клавишга қўйилганда, бутун вужуд, диққат-эътибор битта мақ-



садга қаратилади: гўзал санъат асари яратиш. Чаросда илк бор ана шу лаёқатни сезганда, хурсанд бўлганман. Бир неча йил давомида унинг фортепиано чалиш маҳорати тобора сайқалланиб, юқори поғонага кўтарилди. Чарос оҳангни аниқ ҳис қилади, ҳар сафар чала бошлаганда мусиқанинг динамик табиатига мослашади, баъзан соатлаб машқ қилади. Унинг меҳнатқашлиги ва интилувчанлигини кўриб, келажакда фақат созанда эмас, композитор бўлиб шаклланишига ҳам

ишончим ортади».

Чарос Маратова ўтган йили Парижда ўтказилган халқаро фортепианочилар кўрик-танловидида учинчи ўринни кўлга киритди. Шунингдек, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида ҳам юқори натижаларга эришиб келади. «Мамлакатимизда истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Юртбошимиз қарори билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофотиға кимлар тавсия қилинишини эшитган бўлсак

да, қизимизнинг шу номға муносиб кўрилиши хаёлимизга келмаган эди, — дейди Чароснинг онаси Малика она. — Шу нарсаға амин бўлдики, юртимизда кичкина истеъдод учкунчи қанаса, у албатта, юлдуз бўлиб порлар экан. Чарос ўн тўрт нафар бахтли қизлар қатори Зулфия мукофоти соҳибаларига берилувчи нишонни кўксига таққанда, она сифатида вужудини ҳаяжон ва шукроналик ҳисси чулғаб олди. Кўзларимдаги қувонч ёшларини тийиб туролмадим. Фарзандла-

римизнинг бахту икболи, келажаги учун ғамхўрлик қилаётган, истеъдодларини намоеън этишлари учун барча имкониятларни яратиб бераётган ҳукуматимизга миннатдорлик билдираман».

Юксак мукофотдан қалби қувончға тўлган Чарос улкан мақсаду режалар, янги зафару марраларни кўзлаб ижод қилаётир. «Ўзбек бастакорларидан ташқари Бах, Моцарт, Шопен каби жаҳон композиторларининг асарларини чалишни яхши кўраман, — дейди қўзлари бахтиёр қувнаб турган қиз. — Бундан ташқари, адабиётни, шеърини севаман. Келажакда шоира Зулфия шеърлари асосида мусиқий асарлар яратишни орзу қиламан. Дунёнинг муҳташам, гавжум залларида концерт беришни, ўзбек санъати довуғини дунёға тараннум этишни истайман. Бу вазифаларни амалга оширишда менға билдирилган ишонч илҳом беради. Ушбу мукофот зимманға катта масъулият юклайди, оилам, халқим, Ватаним мени қўллаб-қувватлаётганини, ишонч билдираётганини ҳис қилиб тураман».

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

ЯПОН КИНОСИГА КЕЛИНГ

Япон киноси кунлари — мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келанаётган ижодий анжуманлардан бири ҳисобланади. Япон элчихонаси ташаббусига қўра бу йил ўнинчи мартаба ташкил этилаётган кино кунларининг дастлабки намойиши бугун пойтахтимиздаги Киночилар уйида бошланади. Тадбирнинг очилиш маросимида таниқли япон ижодкорлари иштирок этиши режалаштирилган.

Мухлислар эътиборига дастлаб Синобу Ягүтининг «Кувнок парвоз» комедияси ҳавола этилади. Намойишлар чоғида, шунингдек, Ёити Сайининг «Куилл», Такаси Ямадзаканиннг «Шум-такалар», Синдзи Сомайнинг «Шамол бағридаги гул» каби бадий филмлари тақдим этилади. Дарвоқе, ташкилотчилар ёш томошабинлар учун ҳам ўзига хос совға ҳозирлашган. Тадбир доирасида режиссёр Мамору Хосоданиннг «Вақтни сакраб ўтган қизалок» анимацион филми кўрсатилади. Намойишдан ўрин олган филмлар замонавий япон киноси намуналари ҳисобланиб, уларда Ватанға муҳаббат, оила мустаҳкамлиги, дўстлик каби мавзулар ёритилган.



лас матосининг ўзига хос тасвирий жозибаси уларни янги тўплам яратишга руҳлантирди. Бу жараёнда, айниқса, хонатлас безакларининг таъсири кучли бўлган.

«Voyage en Ikat» коллекциясининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда ўзбек миллий либосларида қўлланувчи безаклар Европа чинносозлигининг классик услублари билан уйғунлашади. Яъни чинни буюмларнинг анъанавий шакли сақлаб қолинган ҳолда асосий эътибор уларнинг безакларини янгилашга қаратилади. Тўпламдан ўрин олган барча буюмлар Лимож шаҳрида француз хунармандлари томонидан қўлда тайёрлангани ҳам таъкидлаш лозим.

МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЛАР СЕҲРИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Latvian Voices» вокал жамоасининг концерт дастури бўлиб ўтди. Латвия элчихонаси ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда санъат ихлосмандлари латвиялик моҳир хонандаларнинг ижроларидан баҳраманд бўлишди.

«Latvian Voices» чиқишларининг ўзига хос томони шундаки, хонандалар ижро вақтида мусиқий созлардан фойдаланишмайди. Яъни барча чиқишлар жонли овозда ижро этилди. Жамоа репертуаридан латиш миллий қўшиқлари билан бир қаторда бошқа халқларнинг фолклор намуналари ҳам ўрин олгани концерт дастурига ранг-баранглик бағишлади.

Қувонарлиси, ўзбек ва латиш ижодкорларининг ҳамкорлиги яна давом этади. Баҳор ойларида мамлакатимизда таниқли созанда Кристина Блаумани ҳамда «Хлет Тлио» жаз гуруҳининг концерт дастурларини ўтказиш режалаштирилган.

Сабҳат ТУРДИАЛИЕВА

АТЛАС ЖОЗИБАСИ ЧИННИДА

Париждаги машҳур «Hermes» модellar уйи ўзбек миллий либосларидаги безаклар асосида яратилган нафис чинни идишлар коллекциясини тақдим этди. «Voyage en Ikat» номини олган ушбу тўпламнинг илк намойиши «Maison & Objet» халқаро кўргазмаси доирасида бўлиб ўтди.

Томошабинларни, биринчи навбатда, чинни идишларнинг ёрқин жиловси ўзига мафтун этгани аниқ. Зеро, уларни безатишда ўзбек атласларида қўллланувчи ранг ва нақшлардан кенг фойдаланилган. Коллекция муаллифларининг таъкидлашича, айнан ат-

ГУЛ ВА АЁЛ

Бадий академиянинг намойишлар залида истеъдодли рангтасвир устаси, кино ва театр рассоми Мусаввар Улмасованиннг «Орзулар рўёби» номли кўргазмаси очилди. Баҳорий рух уфуриб турган ушбу кўргазмада мусаввираниннг эллиқдан ортиқ турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

М.Улмасова ижодида ранг-баранг гуллардан тузилган композициялар етакчилик қилади. Ижодкор ҳар бир гулни аёлларға хос нафосат, нозик дид билан тасвирлайди. Айниқса, «Лолақизгалдоқлар», «Оқ атиргул», «Гулхайри», «Гулсафсар» сингари асарларидаги ранглар жилоси кўзни қувнатади. Ижодкорнинг «Чорвоқ», «Болалик хотиралари» каби асарларида ҳам турфа ранглар уйғунлигини кўриш мумкин.

Манзура ШОДИЕВА



А.ПОПОВ олган сурат

ЭРТАКНАМО ШАҲАРЛАР

Флорида Гамбарова абстракт йўналишда ижод қилувчи истеъдодли рассомлардан. Тасвирий санъат галереясида очилган «Баҳорий оҳанг» номли кўргазмада ҳам бунчи яққол кўриш мумкин. Унда рассомнинг эллиқдан ортиқ асарлари намойишға қўйилган. «Эртакнамо шаҳарлар», «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи», «Момо Ҳаво», «Кўк атиргули боғ», «Пушти ранг оқшомлар», «Юлдузлар ёмиғири» сингари композицияларда тасвирланган қаҳрамонлар, ғаройиб манзаралар томошабинни эртақлар оламиға етаклайди.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг кўргазмалар залида рассом Чоршанби Шамсиевнинг «Мен баҳорни соғиндим» номли кўргазмаси очилди. Унда муаллифининг олтишга яқин рангтасвир ва графика асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Рассомнинг «Илм манзараси», «Мунозара», «Самодига гўзал», «Баҳор ва аёл» сингари йирик полотнолари ўзига хос ечими билан диққатни тартади.

С. ҚОСИМОВА

Абдураззоқ ОБРЎЙ

“ОШ ЭСАМ ШОВОҒИНИНГ ДАН...”

ШОИР ПОЛВОН

Панд берса бирорта бадният одам, Мен қалбга на қаҳр, На кин соламан. Ултирмасман баҳслашиб у билан, Кулиб кўя қоламан.

Мирнўлат МИРЗОНИНГ «Панд берса...» шеърдан.

Гар панд берса бадният, Чикмайди асло жаҳлим. Бўлмайман тенг у билан, Етарли менинг ақлим. Бўгса бирор безори Сарфламайман кучимни. Илҳом келиб қолганда Мен оламан ўчимни. Бурнимни қонатганга Кўтармайман кўлимни. Кисавуур кавлаб киссам, Майли, олсин пулимни. Кулиб кўйгум тортишмай, Ичга ютиб аламин. Яхшиси шеър ёзаман, Кўлга олиб қаламин.

ШЕЪР ҲАҚИДА

Шеър ҳақида. Қушлар хироман Сумбатини ростлаб келади. Шеър ҳақида. Ниҳуранг осмон – Тингламоққа пастлаб келади.

Чингиз ДОЛИМОВНИНГ «Шеър ҳақида...» шеърдан.

Шеър ҳақида. Илҳом панадан Сўзларини бошлаб келади. Шеър ҳақида. Ҳалим хонадан Кўзларини ёшлаб келади. Шеър ҳақида. Кимлардир қасддан Мени шу дам ёллаб келади. Шеър ҳақида. Кўшнинг беҳосдан Эшик қоқиб, доллаб келади. Шеър ҳақида. Кимга тегадир, Дадам кўзин ўқ қиб келади. Шеър ҳақида. Билман негадир, Ҳатто хотин дўқ қиб келади...

ОҒЗИМ ҚУРИБ ҚОЛДИ-КУ

Пулфасанг — мен ёниб кетаман, Тулфасанг — мен ўчиб қоламан.

Ҳикмат ЮСУФНИНГ «Ҳўгман» шеърдан.

Нафасинг гўё шамол, Қани пуфла, пуфлай қол! Ёниб кетдим ловуллаб, Бўлди, энди туфлай қол! Нафасинг ел олсин, Куйдиради оташдай. Мунча қаттиқ тегади, Тупуқларинг оҳ, тошдай! (Ловулладинг хашақдай, Қаттиқ бир пуфладим-ку! Нега энди ўчмайсан, Юз марта туфладим-ку!)

“ҚУЁШЛИ ДАРЧА”

Адабиётлар равнақига адабий алоқалар ва бадиий таржиманинг ҳам таъсири катта. Юртимизда кейинги йилларда таржима соҳасида кечаётган кизгин жараённинг бир намунаси сифатида Муҳаммад Юсуф номидаги адабий-ижтимоий фонд қошидаги “Олтин қалам” газетаси тахририяти нашрга тайёрлаган “Қуёшли дарча” таржималар тўпламини кўрсатиш мумкин. “Истиқлол нури” нашриётида чоп этилган бу тўпламга йиғирма нафардан зиёд ёш таржимон томонидан инглиз, япон, немис, турк, форс, туркман, қорақалпоқ тилларидан қилинган назмий ва насрий асарлар таржималари жамланган. Жумладан, Ҳ.Усаров, Д.Бегматова, М.Бахшиллоева, Ш.Раҳмонова, М.Аҳмедова каби ёш мутаржимларнинг В.Шекспир, Гёте, Э.Хемингуэй, Ги де Мопассан, Марк Твен каби жаҳон адабиёти даргалари ижодидан амалга оширган таржималари тўпламга киририлган.



ҚУЁШЛИ ДАРЧА

Янги нашр

Яна бир муҳим жиҳати, китобдан ўзбек адабиёти намуналаридан жаҳон тилларига қилинган таржималар ҳам ўрин олган. Чунинчи, Н.Ортиқова Эркин Воҳидовнинг “Бир томчи сув”, Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳаёт бу” шеърларини инглиз тилига ўзгариш. Назира Саломова таржима асарларни тўплаб, нашрга тайёрлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадиий таржима бўлими маъсул котиби, филология фанлари номзоди А.Алимбеков мазкур тўпламдаги сўзбошида: “Албатта, бу таржималарда камчиликлар бўлиши табиий. Муҳими ёшлардаги ўзига ишонч, юсакликка интилишдир”, деб ёзади. Нашрга Н.Қиличев муҳаррирлик қилган.

Назозат САЛОЙДИНОВА

Пародиялар

«ТУЗ» ВА ТУЗ

Бу дунё синов берилгай, кимгадир қанд, кимга туз, Ҳаёт карта, кимга валет ва кимгадир чиқар туз.

Ботиржон ЭРҲАШЕВНИНГ «Бу дунё синов...» шеърдан.

Зўр мириқиб керишдим, Овқатингни суз дейман. Хотин билан келишдим, Илҳом келса — туз дейман. Мента доим хуш келар, Гапнинг лўда, калтаси. Шудир талаб ундан ҳам, Туз бўп турсин картаси. Ҳали оқшом бўлмадан, Мен жойимга чўзилдим. Илҳом келди бир пасда, Хотин томон сузилдим. — Мен тайёрман, туз карта, Энди ўзинг қараб кўр. — Менда валет, — дер хотин, — Манглайгинам экан шўр. Такрорлади уч бора, Ҳамиша ҳам бир жавоб. Тамом бўлдим мен зор-а, Юрак-бағрим зўр қавоб... Хотиннинг раҳми келди, У ҳам охир: — Туз! — деди. Мен ҳам унга «туз» дедим. Жаҳлим роса чиққанди: — Умидингни уз! — дедим.

БАРИБИР СОФИНАМАН

Жисмингни соғинаман.

Абдурахмон ЖУРАНИНГ «Баҳорий» шеърдан.

Ош есам товоғиндан, Қор ёғар қоғоғиндан, Туркингни соғинаман.

Ўнг томонни чап деган, Ҳар кимдан бир гап еган, Хулқингни соғинаман.

Калта юбка тузук-ку, Қўлда тилло узук-ку, Мулкингни соғинаман.

Бемаҳал жаранглаган, Ҳама сенга қараган, Кулкингни соғинаман.

Майли, қувласин ойинг, Ўзинга керак жойинг, Қисмингни соғинаман.

Висолинг дариг тутма, Мендан бошқа сўз кутма, Жисмингни соғинаман.



Қозимхон УМРЗОҚОВ. «Тошкентда баҳор нафаси».

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”

2015 йил, 1-сон

Журналнинг ушбу сонидан атоқли шоир Эркин Воҳидовнинг “Дафтарда қолган сатрлар”, деб номланган туркуми қаторида шеърятимизнинг навқирон авлоди вакиллари Ҳалима Аҳмедова, Жамолдин Муслим, Фароғат Камол, Ойгул Суяндиқова, Уроғ Хайдар ва бошқа ижодкорларнинг, ёш қаламкашларнинг янги шеърларидан баҳраманд бўласиз.

Таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг “Байдамтол соҳилларида” ҳикоясининг айрим бўла-ри Асил Рашидов таржимаси-да берилган. Наби Жалолдиннинг “Тегирмон” номли романидан бўлбар, Шодмон Отабекнинг “Дўрмон хангомалари” ҳам ушбу сонда босилган. Усмон Қўчқорнинг “Имом Бухорий” тарихий шеър-рий драмаси билан танишасиз. Муаззам Шарқ хазинасидан Ибн Синонинг “Қуш ҳикояти”, Имом Ҳазолийнинг “Рисолат

ут-тайр” асарлари ва бу асарлар ҳақидаги Маҳкам Маҳмуд ҳамда Зухра Мамадалиева-нинг мақолалари жур-налнинг ушбу сони мундарижасини бо-йитган. Адабиётшу-нос олим Сувоп Мелининг Ўзбе-кистон халқ шоири Абдулла Орипов билан суҳбати ўқувчи-ларда алоҳида қизиқиш уйғоти-ши тайин.

Тахририят ушбу сонда ижод-корларни суҳбатга қорлаб, бу-гун ҳам долзарблигини йўқот-



лардан Иброҳим Гафуров ва Дамин Тўраевнинг мақо-лалари атоқли шоира Зулфия шеърятни таҳли-лига бағишланган. Бахти-ёр Назаровнинг “Амир Тему-р тасвири ва таасурот дунёси-да”, Нурбой Жабборовнинг “Зулфи-қор руҳ орзуси”, Қодир-қул Рўзиматоданинг “Хувайдонинг бадиий-фалсафий мероси” мақо-лаларида мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти, адиб ва шоир-лар асарлари таҳлилга олинган. Баҳром Рўзимухаммаднинг, Ойдин Турдиева ва Саъдулло Куроновнинг тадқиқотларида форс назми ва насридаги ўсиш-ўзгаришлар, Ойбек лирикасида бадиий синтез мав-зулари ёритилган.

Журналнинг ушбу сонидан жаҳон адабиёти клас-сикаридан Акутагава Рюносэ-нининг “Лойхўрак ови” ҳикояси (О.Асилбек кизи таржимаси), Борис Пастернакнинг шеърла-ри (М.Абдулхайр таржималари) ҳамда С.А.Толстой қундалиқла-рида парчалар босилган.

Журналларни варақлаганда

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади.

- “Вокал” кафедрасига доцент (1), “Педагогика ва психология” кафедрасига доцент (1), “Муסיқали, драматик театр ва кино санъати” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедрасига катта ўқитувчи (1), “Муסיқий-назарий фанлар” кафедрасига ўқитувчи (1), “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига ўқитувчи (1), “Саҳна нутқи” кафедрасига ўқитувчи (1).

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза; — ишловчининг шахсий варақаси; — маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари; — паспорт нусхаси; — илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда); — малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси; — меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Хужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-“а” уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

Гул қўп, чаман қўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЖОАН РОУЛИНГ ВА НОШИРЛАР

Гарри Поттер ҳақида эртак романлар яратган маш-хур адиба Роулинг хонимнинг уларни нашр этиш бо-расида чеккан заҳматларига бағишланган китоб чоп этилди. 1997 йилдан 2013 йилга қадар муҳаррирлар ва ноширлар билан олиб борилган музокараларни Эррингтон китобхонлар эътиборига ҳавола этган. “Гарри Поттер ва сири хона” романини чоп этиш жараёнида ноширлар “Ник арвоҳи” кўшиги матнини олиб ташлашни талаб этишган. Ёзувчи назарида асари учун муҳим бўлган парчани у кейинчалик ин-тернетга жойлаштирган. Бошқа асарларининг қўп жой-ларини қисқартириш талаб этилган ҳолларда ҳам адиба муҳаррирлар хоҳишини ҳисобга олишга маж-бур бўлган. Уларга ёзган хатида “Сизлар айтгандан ҳам кўп қисқартирдим, энди жуда бахтиёрман. Шу мушкул ишдан ниҳоят қутулдим”, деган. Муаллиф ноширлар билан интервьюлар, архив материаллари ва адиба хатларини ҳам китобга илова қилган.

Ёш афсунгар ҳақидаги мазкур романлар бугун энг кўп ўқилаётган болаларбоп китоблар бўлиб, умумий тиражи 500 миллион нусхадан ошади. Улар жаҳон-нинг 67 тилига ўтирилган ва барчаси экранлашган. Бу эртакларни ўқиб, уларда тилга олинган оддий ҳақиқатларни эскирган, деб айта олмайсиз. Ул кит-об сюжети Манчестрдан Лондонга тўрт соат ке-чи-ки келган поездда пайдо бўлган ва Эдинбургдаги кафедра ёзилган. Эридан ажралиб, нафақа эвазига ти-ричилик қилган ишсиз таржимон асарни эски ёзув машинасида кўчирган. Уни илк бор ноширлар эмас, саккиз ёшли қизчаси маъқуллаган. Ношир эса минг нусха чоп этишга рози бўлиб, олдиндан 1,5 минг фунт пул тўлаган ва бошловчи адибага эртак ёзиб кун кўриш қийин, яхшиси ўзингизга бирор доимий иш топинг, дея маслаҳат ҳам берган. Ҳозир шу эртакнинг илк на-ш-ри аукционларда 25 минг фунт стерлингга сотилмоқ-да. Роулинг хоним эса, ижод орқасидан миллиардлаб доллар қалам ҳақи олаётган жаҳондаги биринчи ёзув-чи-дир. У пулларининг катта қисмини хайр-саховат иш-ларига, қашшоқлик ва касалиқларга қарши курашга сарфламоқда.

ШЕРЛОК ХОЛМС ҲАҚИДА НОМАЪЛУМ ҲИКОЯ

“The Telegraph” газетаси хабар беришича, Буюк Британияда Шерлок Холмс ҳақида шу чоққача но-маълум бўлган ҳикоянинг нусхаси топилган. Уни топ-ган саксон ёшли тарихчи Уолтер Эллиот гувоҳлик беришича, мазкур ҳикоя Конан Дойл томонидан Сел-кирк кўпригини тиклаш учун уюштирилган хайрия тад-бирида сотиш учун ёзилган. Китобни уйи чордоғи-дан топиб олган тарихчи: “Уни дўстларимдан ким-дир берган бўлса керак, чунки бирон жойдан сотиб олганимни эслай олмаётман”, деган. Эндиликда топ-илма шаҳар музейига қўйилдиган бўлди. 80 йил аввал нашр этилган ҳикояда Холмс ва Ватсоннинг Селкирк шаҳрига саёҳати ҳақида ҳикоя қилинган.

АРБАТ ОҚШОМЛАРИ

Александр Пушкин ва Наталья Гончарованинг никоҳ маросими бўлиб ўтган Москванинг Арбат кўчасида-ги мемориал уйга 2 март кун шоирнинг авлодлари “Ойлавий тантана” учун тўландилар. Машҳур шоир-нинг ойлавий ҳаёти бошланган кун шарафига уюш-тирилган навбатдаги тадбир билан 17 февралда бош-ланган “Арбатдаги феврал оқшомлари” фестивали якунланди. Бу йилги учрашувнинг асосий мавзу-си Пушкиннинг болалик йиллари дўсти — 2 марта та-валлудига 215 йил тўлган шоир Евгений Баратинский ҳаёти ва ижодига бағишланди. 1831 йил 17 феврал-да (эски тақвим бўйича) Арбатдаги мазкур хонадон-да шоирнинг уйланиши муносабати билан ўтказил-ган “куёв оши”га тақдир этилганлар қаторида Бар-атинский ҳам бўлган. Тадбир доирасида меҳмонлар эътиборига музейнинг янги экспонати — 1820-йил-ларда номаълум мусавир чизган Баратинский порт-рети ҳам тақдим этилди.

ЭНГ КИТОБХОН МАМЛАКАТ

Халқаро ноширлар ассоциацияси маълумоти-га кўра, Буюк Британия жаҳондаги энг китобхон мамла-кат ҳисобланади. 2014 йили 184 минг номда китоб чоп қилиниб, ҳар миллион кишига 2870 номдаги ки-тоб тўғри келган. Грузия бу рўйхатнинг иккинчи по-ғонасини эгаллаган. Мураккаб ислохотлар даврини бошдан кечирганига қарамай китобхонлик бўйича Тай-ван, Испания ва Словенияни ҳам орта қолдирган грузин китобхонларига қойил қолса бўлади. АҚШ бу рўйхатда 12-, Хитой эса 25-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Ойхумор Асадовага турмуш ўртоғи

Жўрақул АСАДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati. Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32. Кабулхона — 233-52-91. Электрон манзил: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Бoш муҳаррир Сирожиддин САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мухаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин. Мазсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ. Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириши вақти — 20.00. Босишга топирилди — 19.58. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 6761 Буюртма Г — 357. Ҳажми — 3 босма тибок А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6